Стратегик ва тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

«ИШЛАЙДИГАН ДАВР КЕЛДИ»

Мақсуд Қориевнинг олтмиш йиллик ижодий йўлини жуда катта ҳаётий тажриба безаб турибди. Устоз билан бу галги суҳбатимизда кўнглимизга беихтиёр Алишер Навоийнинг «Ҳунарни асрабон нетгумдур охир» сатрлари келди...

2-бет

3 МАЙ. МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ САРҲИСОБИ

2005 йил якунига кўра, дунё мамлакатлари қамоқхоналарида 788 нафар журналист ҳибсда сақланган. Ҳар йилгидай Осиё, Лотин Америкаси ва Африка давлатлари бу борада етакчи ўринда турибди.

3-бет

«ҲАҚИҚАТ БИЛАН ОҒРИГАН ШОИР...»

Ўлжас оға нафаси баланд, миқёсли шоир, сўзининг жуғрофияси кенг инсон. Сўзига ҳақиқат куч беради. Қалбида ҳақиқат яшайди. Ўзи айтгандек, «ҳақиқат билан оғриган шоир». Мен билган Ўлжас оға шундай. Сўзи қаддидек тик, қадди сўзидек баланд...

4-бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 17 (479) 2006-yil 4-may

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Якун

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ БИРИНЧИ ҒОЛИБЛАРИ

Маълумотларга қараганда, "Олтин қалам" миллий танловига жами 136 нафар журналист ўз ижодий иши билан иштирок этишга муваффақ бўлган. Бу кўпми ёки оз? Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг жами сонига нисбатан кам бўлиши мумкин. Лекин унинг таъсис этилганига ҳали бир йил ҳам бўлмагани инобатга олинса, натижа ёмон эмасдек туюлади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, "Олтин қалам" мамлакатимизда ижод соҳасидаги ягона халқаро танлов мақомига эга. Танловга Эрон, Германия, Россия ва Қозоғистонлик 10 га яқин журналистларнинг иштирок этганлиги ҳам сўзимизни тасдиқлайди. Зеро, "Олтин қалам" танлови ғолибларини 3 май Жаҳон матбуоти эркинлиги кунида (бу кун ҳақидаги батафсил маълумотлар билан 3-саҳифада танишасиз) тақдирланиши ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, асосий мақсадларимиздан бири бўлган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантиришни ОАВ иштирокисиз ёки эркинлигисиз тасаввур қилиш қийин. Инчинчи ушбу танловнинг дунёга келиши ҳам бежиз эмас.

Кеча "Зарафшон" концерт залида "Олтин қалам" миллий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. Ҳайъат аъзолари танлов натижаларини охирги дақиқагача сир сақлашга ҳаракат қилишгани боис ғолибларни эълон қилиш дақиқалари ҳийла ҳаяжонли кечди.

Дастлаб «Олтин қалам» миллий танлови ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов йиғилганларни 3 май —Жаҳон матбуоти эркинлиги куни байрами билан табриклаб, танловнинг мақсад-муддаоси, вазифалари, ташкилотчию ташабббускорлари, танлов ҳайъатига келиб тушган ижодий ишлар ҳажми ва салмоғи хусусида қисқача тўхталиб ўтди. Ундан сўнг танловнинг асосий номинациялари бўйича ғолиблари эълон қилинди. Ғолибларга 150 минимал иш ҳақи ҳажмидаги пул мукофоти, танлов кўкрак нишони ҳамда махсус диплом топширилди. Рағбатлантирувчи мукофотлар эса 10 та номинация бўйича 10 нафар журналистга тақдим этилди. Мукофотларни мамлакатимизнинг таниқли ижодкорлари, ижодий жамоа раҳбарлари тантанали суратда топширдилар.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳам бешта номинация бўйича ўз мукофотларини топширди. Мукофотлар давлат ОАВни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун ЎзЭОАВМА бошқаруви раиси Фирдавс Абдуҳолиқовга, радио тараққиётига қўшган ҳиссаси учун «Орият-доно» радиосига, миллий журналист кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун профессор Назира Абдуазизовага,



ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мавзудаги кўрсатувлари учун «Таҳлилинома» кўрсатуви шарҳловчиси Лола Мирзаевага, болалар спорти тарғиботи учун «Спорт» телерадиоканалига тақдим этилди. Тадбир сўнгида таклиф этилган ижодкорлар учун катта концерт дастури намойиш этилди.

МУХБИРИМИЗ

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДАГИ «ОЛТИН ҚАЛАМ» МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

Асосий номинациялар:

1, «Энг яхши журналистик материал» (телевидение) — **Норқобил ЖАЛИЛОВ** — «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Юксалиш» студияси катта муҳаррири («Яхшилик» рукнидаги муаллифлик кўрсатувлари туркуми учун).

2. «Энг яхши журналистик материал» (радио) — **Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ** — «Ўзбекистон» телерадиоканалининг бўлими мудири (Халқаро мавзудаги эшиттиришлари туркуми учун).

3. «Энг яхши журналистик материал» (матбуот) — **Иброҳим НОРМАТОВ** — «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигининг сиёсий шарҳловчиси (Долзарб мавзудаги таҳлилий мақолалари учун).

Рағбатлантирувчи номинациялар:

1, Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун — **Абдумутал АБДУЛЛАЕВ** — «Андижоннома» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари.

2, «Фаол фуқаролик позицияси учун» — **Чори ЛАТИПОВ** — «Маҳалла» газетасининг бош муҳаррири.

3. «Энг яхши режиссёрлик иш учун» — **Ҳамид ҚАҲРАМОНОВ** — «Тошкент» телерадиоканалининг режиссёри.

4. «Энг яхши журналистик текширув учун» — **Ильдар МУДАРИСОВ** — «Народное слова» газетаси шарҳловчиси.

5. «Интернет тармоғидаги энг яхши таҳлилий материал учун» — **Ғулом МИРЗАЕВ** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги шарҳловчиси.

6. «Фавқулодда вазиятларда тайёрланган энг яхши репортаж учун» — **Санъат МАҲМУДОВА** — «Қува ҳаёти» газетасининг адабий ходими.

7. «Йилнинг энг яхши дебюти учун» — **«ТВ Марказ»** телеканали.

8. «Энг яхши фоторепортаж учун» — **Ҳакимжон РАҲМОНОВ** — «Марғилон ҳақиқати» газетасининг фотомухбири.

9. «Энг яхши карикатура учун» — **Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ** — мустақил рассом.

10. «Хорижий журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун» — **Ахмад Ал-ЗУБАЙДИ** — «Ал Алам» телеканалининг Ўзбекистондаги ўз мухбири.

Тақдимот

Маълумотларга қараганда мамлакатимизда ҳозирги кунда давлат ва жамият қурилишининг сиёсий-ҳуқуқий масалалари, қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ёритаётган 55 мингдан кўпроқ тиражда 8 та журнал чоп этилаётган экан.

«ҲУҚУҚ ВА БУРЧ»

Адлия вазирлигида ана шундай ном билан чоп этилган янги журналнинг тақдимоти бўлди

Бу кўпми ёки кам? Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган, 26 миллионга яқин аҳоли яшаётган, инчунин, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва савиясини ошириш энг муҳим масалалар қаторида турган давлат ва жамият учун бу рақамлар кам ё кўплигини муштарийлар ҳукмига қолдирамиз-да, эътиборни бошқа масалага — чоп этилаётган юридик журналларнинг савияси, мазмун-мундарижасига қаратамиз.

Мамлакат раҳбари Ислом Каримов 2005 йилнинг 18 октябрида "Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилгани ва бу масалага Президент даражасида эътибор қаратилаётгани, албатта, бежиз эмас.

"Ҳуқуқ ва бурч" деб номланган ижтимоий-ҳуқуқий йўналишдаги янги журнал бугунги даврнинг эҳтиёжлари маҳсули дейилса, адолатлироқ бўлади. Ва яна шуни айтмоқчимизки, янги журналга Адлия вазирлиги, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди ва Бош прокуратура каби нуфузли идоралар муассислик қилади. "Ҳуқуқ ва бурч" Адлия вазирлигининг "Ҳаёт ва қонун", Бош Прокуратуранинг "Қонун ҳимоясида" журналлари негизида пайдо бўлганини ҳам унутмаслик керак. Янги журналнинг дастлабки сони 15 минг нусхада чоп этилган.

Адлия вазирлигида ташкил этилган "Ҳуқуқ ва бурч" янги журналининг тақдимот маросими аввал бироз расмийроқ бошланган бўлса-да ўз таклиф-мулоҳазалари билан иштирок этган таниқли журналистлар Аҳмаджон Мелибоев, Сафар Остонов, Шуҳрат Жабборов ва бошқа бир қанча юридик хизмат эгаларининг чиқишлари тадбирни жонлантириб юборди. Сўзга чиққанлар янги журналнинг ўқувчилари доираси янада кенгайиши ва кўпайиши, аста-секин оммавийлашиб бориши, фуқароларни ҳуқуқлари билан биргаликда бурчларини ҳам унутмасликларига мунтазам даъват этиб туришига умид билдирдилар.

МУХБИРИМИЗ

Тадбир

Андижон вилоятида «Улуғимсан, Ватаним» мавзусида китоб байрами бўлиб ўтди. Тадбирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бир қатор аъзолари, жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, халқимизнинг севимли ёзувчилари Тоҳир Малик, Муҳаммад Али, Шоим Бўтаев, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, севимли шоирамиз Умида Абдуазимова ва бошқалар таширф буюришди.

АНДИЖОНДА КИТОБ БАЙРАМИ

Пойтахтлик ноширлар ва бошқа китоб байрами қатнашчилари Бобур номли вилоят илмий универсал кутубхонасида мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланган «Ватан, сенсан энг гўзал чаман» мавзусидаги китоб кўргазмасининг очилишида қатнашиб, фаол китобхонлар билан мулоқотда бўлдилар. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Ғафур Ғулом номли, Чўлпон номли нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Маънавият», «Янги аср авлоди» нашриётлари томонидан сўнгги йилларда чиқарилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий ва бошқа мавзулардаги энг сара асарлар вилоят кутубхонасига совға сифатида тақдим этилди.

Ҳафиза КАРИМОВА, Бобур номли Андижон вилоят илмий универсал кутубхонаси раҳбари

БИЛДИРУВ

Таҳририят телефон рақамлари 142-49-91, 142-52-72га ўзгарди.

Танловга — *«Жамият ва мен»*

МЕН ОНАМНИ СОҒИНДИМ...

Мустақиллик ва эзгулик монументи пойидаги ўйлар

1. Армонли йиллар...

Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига-ўзида муниса она сиймосини мужассам этган янги ёдгорлик мажмуига мен истиқлол туфайли армонлари ушалган ўзбек аёли сифатида дил розимни айтгани бордим.

Дастлаб "Мотамсаро она" рўпарасида туриб у билан суҳбатлашдим. Негадир ҳайкалтарош ушбу ҳайкалда менинг онамнинг ҳам сиймосини яратгандек бўлган. Мотамсаро она йиллар армони, фарзандлар доғида қадди эгилган, хомуш ва ғамгин.

Нега ҳам ғамгин бўлмасин, қатағон йилларидаги бебошликлар, уруш йилларидаги қирғинликлар қанча-қанча оналарнинг сочини бемаврид оқартириб, сарв қоматини долдек эгиб қўйди.

Онажоним! Сиз ҳам шуларнинг бири эдингиз. 30 йилларнинг ўртасида Сибирга ҳукм қилинган отам жон ҳовучлаб юртдан чиқиб кетганда, чарм камзуллик қаҳри қаттиқ кимсалар келиб уйингизни муҳрлаб, ҳатто бешигингизни ҳам бермасдан, чақалоғингиз билан кўчага ирғитилганингизда қандай ҳолатда эдингиз! Икки ғўдагингизни бағрингизга босиб, "қочоқ" қулоқларнинг хотини билан очиқ қизил вагонда оч-юпун изғиринда изиллаб отам кетидан кетганингизда қалбингиз қандай нимталанган эди!

Ватандан четда, лекин хорижга кетмай, қамишзорни тозалаб, ер очиб рўзғорингизни тиклаш учун отам билан елкадош бўлиб, туну кун меҳнат қилганингизда у сабру матонатни қаердан олган эдингиз?

Қирчиллаган қирқ ёшида отам тўсатдан вафот этгандан сўнг уч қизалоғингиз билан якка-ёлғиз қолганда ҳам ўзингизни қандай қилиб қўлга олган эдингиз? Кундузлари далада, кечалари тикув машинасининг қулоғини ғириллатиб, унинг овозига оҳангдош мунгли бир куйни кўз ёшларингиз билан қўшиб тўкканингизда ухламай, кўрпадан мўралаб ётган мен ҳам унсиз, товушсиз йиғлар эдим. Лекин шунга қарамай, Сиз фақат бизни эмас, машъум уруш кетаётган жойлардан эвакуация қилинган "детдом" болаларининг ҳам кўпини очлик азобидан қутқариб қолдингиз. Уларнинг олти-еттитаси менинг дўстларим, сизнинг ҳам ўғил-қизларингиз бўлиб қолди. Аста-секин улар ҳам ўсиб-улғайди. Сиз ҳам рўшнолик кўра бошлаганингизда бир илинж – Ватан соғинчи билан оламдан кўз юмдингиз.

Мана, бугун биз обод ва мустақил юртимизнинг эркин аёлимиз. Лекин унинг қадрини ҳамма ҳам бирдек, биздек туярмикан, уни сақлаб қолиш учун жону жаҳони билан интилармикан!

2. Машъум уруш ўпқони

Мотамсаро она ҳайкали олдидан ўтиб, машъум урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотираси тикланган айвонга ўтдим. У ерда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан турли йилларда урушга кетиб, ҳалок бўлган ёки бедарак кетган юртдошларимизнинг исми шарифи залворли китоб варақларига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Китоб варақларини бир-бир очиб, ўқиб кўриб, Фарғона вилоятининг Риштон туманидан урушга кетганларнинг исми-фамилиясини ўқий бошладим.

Не кўз билан кўрайки, биз йиллаб қидириб, дарагини топмаган, бедарак кетган қайни оғам Аҳмадали Нишоновнинг номи ҳам рўйхатда бўлиб, унинг урушга кетган йили аниқ ёзилган, ўлган йили бўш қолдирилган эди. Мен бир қалқиб тушдим. Бошим айланиб, кўз олдим жимирлаб кетди. Ўзими, бошқами? Ҳар ҳолда туғилган жойи, урушга кетган йили, исми ва отасининг исми, бедарак кетгани – ҳаммаси тўғри, аниқ-тиниқ ёзилган. Ўзимни қўлга олиб, йўлка четидаги курсига бориб ўтирдим. Бир умр фарзанд доғида куйиб ўтган, қадди букилган қайин онам кўз олдимга келди. Қанчадан-қанча изтиробларни бошидан кечирди. Қиш изғиринида, офтоб тиғида колхоз даласида беланчакларда боқкан 13 фарзандидан фақат учтаси омон қолган эди. Унинг ҳам бирига – тўнғичига урушнинг охирроғида чақириқ қоғози келади. Бедарак кетган, мажруҳ қайтган йигитларни кўравериб тўнғичини жаҳаннамга жўнатиш ўрнига ўзини қурбон қилишни афзал кўради онаизор. Фронтга кетаётганлар чиққан поезднинг паровози олдига югуриб бориб ўзини унинг остига ташлайди. Ҳай-ҳайлаб уни тортиб олишади. Поезд йиғи-сиғилар остида йўлга тушади. Она эса беҳуш чўзилиб ётар эди.

Ҳаёт экан. Она 86 га кириб бандаликни бажо келтирди. Лекин бирор кун бўлмадики, у дарвозанинг тиқ этган овозидан Аҳмадалини кутиб ётмаган бўлсин! Энг мудҳиш воқеа Ғалабанинг 30 йиллиги нишонланган кун юз берди. Райкомнинг бир гуруҳ фаоллари урушга кетиб ҳалок бўлганларнинг оилаларини йўқлаб келдилар. Шулардан бир нечаси бизнинг хонадонга ҳам таширф этдилар. Бетоб она баланд қўйилган ёстиқларга суяниб ётар эди. Фаоллар она ҳузурига кириб, уни Ғалаба байрами билан табриклашди ва бошига битта рўмол ўраб қўйишди. Шунда онамнинг важоҳати ўзгарди. Илкис бир ҳаракат билан ўтириб бошидаги рўмолни олди, бир зум унга тикилиб турди-ю, ёнида очиқ турган деразадан ирғитди:

- Сиз ҳали мени боламни битта рўмолга тенг қилади деб ўйладингизми? Паҳлавонимни-я, менга рўмолингиз эмас, болам керак! — У кўкрагига муштлади, – менинг мана бу еримни 30 йилдан буён ёнаётган аланга куйдиради. Рўмол эмас, боламнинг ўзи ўчиради уни!

(Давоми 2-бетда)

Тадбир

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Фуқаролик жамияти ҳолатининг барометри ҳисобланади

Бу, албатта ҳали орзу. Нафақат орзу, балки муҳим вазифа ҳамдир. У асосий мақсадларимиздан бири бўлган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш бўладими, фуқаролик жамиятини шакллантириш бўладими ёхуд суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш бўладими, токи жамоатчилик фикри шаклланмас, ўзгармас экан катта бир натижага эришиш амри маҳоллигича қолаверади. Жамоатчилик фикрини ўзгартиришнинг, албатта, жуда кўп омиллари мавжуд. Жамият бирлашмалари нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), турли хил ва шаклдаги институтлар, ОАВ каби воситалари бор.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда, айниқса суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича тарихий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунга ўлим жазосини бекор қилиш ёки санкция ҳуқуқини судга бериш каби ҳолатларни мисол қилиб келтиришнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз.

Ўзбекнинг бошига бир иш тушса, у аввал судга мурожаат қиладими ёки маҳаллага? Албатта маҳаллага. Нега? Бу менталитетми ёки судларга берилган баҳоми?

Германияда шифокор жамиятдаги энг обрўли шахс ҳисобланади. Ундан кейин судья туради. Бизда-чи? Бизда судьяларнинг жамиятдаги мавқеи кимга ва нимага боғлиқ?

Кўп қонун қабул қилиш мақсадга эришишнинг ягона воситаси эмас. Энг муҳим восита — бу жамоатчилик, яъни фуқаролар фикрини ўзгартиришдир. Жамоатчилик фикрини ўзгартириш учун уни мунтазам ўрганиб бориш, тадқиқ ва мониторинг қилиб туриш зарур бўлади. Зеро, бусиз мақсадга эришиш қийин...

"Фуқаролик форуми" лойиҳаси доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамкорлигида "Суд-ҳуқуқ ислоҳоти ва жамоатчилик фикри" мавзусидаги давра суҳбатида мухтасар қилиб айтганда бир қанча фойдали фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Ва бу "Фуқаролик форуми" доирасидаги эллик иккинчи йиғилиш эканлигига алоҳида урғу берилди.

МУХБИРИМИЗ

Мактуб

ЗЎРНИКИ ТЕҒИРМОН ЮРИТАДИ...МИ?

Хотирамдан сира ўчмайди, XX асрнинг долғали 30-йилларида Сурхон воҳасининг Олтинсой туманига қарашли, бугунги "Пахтакор" жамоа хўжалиги ўрнида янги колхоз тузилди. Замон оғир бўлса-да, одамларда меҳр-оқибат бор эди. Қарангки, янги колхознинг оёққа туриб олиши учун ҳар ким қўлидан келганича ўз ҳиссасини қўшди. Хусусан, раҳматли бобом ҳам чорвасидан сигир, от ажратиб берган эдилар. Демоқчиманки, бугун биз умргузаронлик қилаётган ушбу хўжалик кўпчиликнинг саховати билан ташкил этилган эди.

Орадан йиллар ўтиб, колхозимиз тумандаги энг илғор жамоалардан бирига айланди. Сурув-сурув отарлар, чорва фермалари пайдо бўлди. Мен ҳам 1942 йилнинг авжи баҳорида колхозимизнинг ана шундай чорва фермаларидан бирида бузоқ боқар бўлиб иш бошлаганман. Ростини айтсам, у йилларнинг азоби, уқубати бугунги болаларимиз учун эртакдек туюлади. Майли, шундай ҳам бўлақолсин. Болаларимиз энди у қора кунларни ҳеч ҳам кўрмасинлар.

Ана шундай йилларнинг машаққатларини кўз олдимга келтирар эканман, кўнглимда бир ўкинч ва армон пайдо бўлади: шундай имконият, шундай шароит бўлиб туриб ҳам ишламайдиган, лоқайд, яратиш, бунёдкорлик ўрнига ғорат қиладиган кишиларни, раҳбарларни кўрсам ўзимни қўярга жой тополмай қоламан... Мана, тасаввур қилинг, биз яшаётган қишлоқнинг шундоққина биқинидан газ магистрал қувури ўтган. Бироқ аҳолининг аксариятида газ йўқ. Бу ҳол худди дарё бўйида ўтириб, бир қултум сувга зор одамнинг аҳволига ўхшайди. Тўғри, бизнинг Оқарбулоқ маҳалламизда бир кишида, яъни маҳалла раисининг хонадонида газ бор. Лекин раиснинг уйида ёнган газ биз сингари меҳнат фахрийларининг уйимизни ҳам, кўнглимизни ҳам исита олмайди-да!

Бундан ташқари, жамоа хўжалигимиз ҳудудидан ер ости қувурлар орқали Жарқўрғон, Термиз, Қизириқ, Ангор, Қумқўрғон, Бандихон туманларига тоза ичимлик суви узатилади. Лекин ана шу булоқ бошида яшаётган қишлоғимиз аҳли сув танқислигидан, ҳатто сувни сотиб олишга мажбур бўлмоқда.

Алам қиладигани шундаки, аслида бу масалалар жуда катта ижтимоий муаммо эмас. Фақатгина бир ташкилотчи раҳбар керак, холос. Халқнинг ташвиши билан яшайдиган ана шундай раҳбарнинг йўқлиги, кўпчиликнинг ҳақли эътироҳларига сабаб бўлмоқда. Ахир ўйлаб кўринг, далада меҳнат қиладиган деҳқон қолиб хўжалик раиси қўшша-қўшша машина минса! Деҳқонга бошпанаси учун бир нима олиш орзу бўлиб турган бир пайтда, хўжалик ҳисобчиси икки қаватли кошона

(Давоми 2-бетда)

МЕН ОНАМНИ СОҒИНДИМ...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лекин у аланга-ўт ўчмади. Она энди жойига михланиб қолади. Орадан икки йил ўтганда, май ойининг ўша Ғалаба байрами арафасида эрта тонгда она узилади. Жон таслим қилиш олдидан, кечаси илкис бир ҳаракат билан деразага тикилади: қаранглар, Аҳмадали келдими?!

Лекин она кўксидаги ўт-аланга, барча оналар қалбидаги ўт-олов "Мотамсаро она" пойида ёнаётган мангу алангага кўчгандай эди.

3. МОМОЛАР РУҲИ

Хотира айвонидан кенг йўлак билан "Мустақиллик ва эзгулик монументи" сари йўл олдим. "Она ва бола" ҳайкалига тикилганча хаёлимдан ўтди: бу мужассама келажак авлодларга энг эзгу ниятлар рамзи бўлиб қолади. Навқирон она ўз боласини бало-қазолардан ҳимоя қилгандек кўринади. Унинг нигоҳидан, бахтиёр юзидан нур ва меҳр ёғилиб турибди, дилбандини бағрига босган. Фарзанди унинг келажаги, орзу-умиди, бахт-саодати. Бу ҳис бизларга момолардан мерос.

Тўмарис ўз қабиласининг ватанпарвар бошлиғи, жасур саркарда бўлиши билан бирга меҳрибон она ҳам эди. Босқинчи Кир II қўшинини мағлуб этиб, ўғли ва қабиладошлари учун унинг танидан жудо қилинган бошини қон тўлдирилган мешга солади.

Аёллар Амир Темур ва Бобурийлар саройида мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаётида юқори мавқега эга бўлганлар.

Мен чуқур илм соҳибаси, олима ва шоира, ўрта аср Шарқининг тарихнавис аёли Гулбаданбегим ҳақида, файласуф, шоира Анбар отин, моҳир мураббий олима, шоира Увайсий ва бошқа қатор буюк аллома аёллар ҳақида ўйлаб кетдим.

Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" асарида келтирилишича, бегимлар давлат ишларида ҳам иштирок этганлар. Гулбаданбегимнинг ўзи Ҳумоюннинг ҳукмронлиги даврида давлат миқёсидаги ишларда қатнашган, Эсондавлатбегим, Хуррамбегимларнинг эса ҳокимиятнинг ташқи ва ички душманларига қарши курашларда етакчилик қилган пайтлари ҳам бўлган.

"Ҳумоюннома"да шундай мисол келтирилади: "Рано Сангонинг фатҳидан бир ой ўтгач, онам Моҳимбегим Кобулдан Ҳиндистонга келдилар... Онам кўлга етганларида подшо ҳазратлари уч отлиқ маҳофа юбордилар... Подшо ҳазратлари бизни Жалолий чўлида учратишини мўлжаллаган эдилар. Намозшом пайтида бир киши келиб, "Ҳазратни икки курва нарида қолдириб келдим",- дейди. Подшоҳ бобом ҳазратлари то от келтиргунларигача тоқат қилмай, пиёда йўлга тушиб, Нинча Моҳим уйлари олдида биз билан учрашдилар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшоҳ Бобом қўймасдан, ўзлари онамнинг отларининг жиловларидан ушлаб, ўз уйларига етгунча пиёда келдилар" (40-бет).

Бундай мисолларни Амир Темурнинг катта ақл эгаси Сароймулкхонимга бўлган муносабатида ҳам кўрамиз: Амир Темур Хоразмни забт этганда унинг янги ҳокими ўз садоқати ва итоат қилишини билдириб, Амир ҳузурига аъёнлари билан келганда Сароймулк хоним маслаҳат берди:

- Имкони борича ўз улусингизда қон тўкмаганингиз маъқул. Марҳум падари бузрукворим Қозонхон шундай деб таъкидлашни хуш кўрардилар.

Темур анчадан буён суюкли хотинининг маслаҳатларига қулоқ оса бошлаган эди. Бироқ уни билдириб қўймаслик учун... жиддий тарзда эълон қилди:

- Қозонхондай улуғ зотнинг қизи ёлғизликда зерикиб қолмаслиги учун улуғ ўзбек хонининг невараси Севинчбекани шаҳзода Жаҳонгирга олиб бермоқни ихтиёр айладик.

- Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, - дарҳол жавоб қайтарди Сароймулкхоним. – Бироқ от кўпайиб кетган тақдирда, кўтарилган чангдан чўпон йўлини кўрмай қолуви ҳам мумкин.

Темур кулиб юборди. Сўнг енгилганини тан олган ҳолда:

- Агар йигитнинг йўлчи юлдузи анинг бош хотини эрса, - деди, – шубҳа йўққи, ҳар қандоқ сафар ҳам хайрли кечгай.

4. ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Аёл ўз зурриёди билан ўтмишни келажак билан боғлайди. Аждодлар меросини кўз қорачиғидай асраб, авлодларга етказадиган, тинч, озод ва фаровон ҳаёт, тараққий этган жамият барпо этадиган буюк зот ҳам Аёл – Онадир. ҳозирги даврда она ўз фарзандини икки муҳим нарсадан ҳимоя этиши, сақлаши лозим. Булардан биринчиси — чекиш, ичиш, наркомания, фаҳш бўлса, иккинчиси — ҳар қандай диний таҳдидларга оғиб кетишдир. Ҳар иккиси жамият учун ҳам, ҳар бир инсоннинг ўзи учун ҳам мислсиз оғудир.

Ҳар бир миллат ва инсоният учун энг катта офат – бундай оилалардан ақли заиф болаларнинг туғилиши бўлиб ҳисобланади.

Манбаларда келтирилишича француз врачи Демма 28 йил давомида эр ҳам, хотин ҳам ичкиликбоз бўлган ўнта оилани кузатган. Бу оилаларда 57 бола туғилган. Улардан 25 таси ёшига етмай ўлган, 5 тасида тутқаноқ, 5 тасининг бош миясида сув, 12 таси жинни бўлган. Фақат 10 тагина бола соғлом туғилган.

Ҳозирги кунда наркомания аср вабосига айланди. Гиёҳванд хуморини босиш учун пул излайди, бу йўлда у ҳар қандай жиноятдан ҳам чекинмайди. Ҳатто, ота-она, фарзанд, аёлининг қотилига айланади, пировард натижада ўзи ҳам ҳалок бўлади.

Бу хаёллар оғушида соғлом турмуш тарзи ҳақида ўйлар эканман, бобомиз Амир Темурнинг бир ўгити эсимга келди: "Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирор томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишини маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим".

Ҳозир эса аксарият куёвлар тўйда ҳам, куёвошида ҳам ўртоқлари билан тўйиб ичган ҳолда гўшангага, келин ҳузурига киради. Фақат бугина эмас, ичкилик, гиёҳвандлик натижасида туғилган майиб-мажруҳ болалар барчани ташвишга солмоқда. Бундай болалар оналарнинг, жамиятнинг заволи эмасми!

Иккинчи мудҳиш иллат – пок динимиздан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, ёшларимизни, аёлларни тўғри йўлдан адаштирган ақидапарастлар бўлиб, бундай гуруҳлар имон-эътиқоди мустаҳкам бўлмаган ёшларимизнинг турли жиноятлар содир этишларига олиб келмоқда. Бу борада диний оқимлар таъсирига тушиб, онаизорини қон қақшатган ёшлар озми?! Алданган, мол-дунё, пул эвазига нобакор экстремистлар қутқусига учиб, тўғри йўлдан адашганларнинг оналари қандай аҳволга тушган! Эл-юрт, маҳалла-кўй олдида боши эгилган оналар вужудини емираётган дарду аламларини кимга айтсин!

Лекин Президентимиз Ўзбекистон ёшларини – фарзандларимизни ундай кимсаларга бериб қўймаслик учун қаттиқ кураш олиб бормоқда. Бу балойи азимни таг-томири билан суғуриб ташлаш ҳар бир соғлом фикр юритаётган имон-эътиқодли инсоннинг муқаддас бурчидир. Юрт келажаги ана шунда ишончли қўлларга ўтади.

5. АЁЛ ЖАҲОНГА ЧИКДИ. ЎЗБЕК АЁЛИНИ ЖАҲОН ТАНИДИ

Биргина марҳума академик Сабоҳат Азимжоновани олайлик. Беруний мукофоти лауреати, тарих фанлари доктори, академик, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори лавозимида фаолият олиб бориб, шарқшунослик илмининг ривожига катта ҳисса қўшган, қатор халқаро конгрессларда, симпозиумларда илмий маърузалари билан шуҳрат қозонган йирик шарқшунос олима.

Шоира Зулфияхонимни эса бутун жаҳон таниди. У Жавоҳарлал Неру ва Нилуфар номидаги мукофотлар лауреати, йирик жамоат арбоби, забардаст журналист эди. Зулфияхонимнинг қатор шеърлари инглиз, немис, ҳинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Фозила Сулаймонова ҳам Ўрта Шарқ мамлакатлари, Юнонистон, Марказий Греция маданияти, Шарқ маданиятининг Оврупо мамлакатларига таъсири борасида йирик тадқиқотлар муаллифи, нодир қўлёзмаларимизнинг асл ва фотонусхаларини хориж давлатлари кутубхоналаридан келтириб шарқшуносликка катта ҳисса қўшган олима.

Ҳозирги пайтда мустақиллик шарофати билан машҳур аёлларимизнинг қатор-қатор издошлари ўз фаолияти, салоҳияти, қобилияти билан мустақилликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш борасида ўзлигини намоён этмоқда. Ҳар йили 8 март – Меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорига мувофиқ аъло хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги, ноёб истеъдодини намоён этиб, адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларида эришган ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофотига муяссар бўлаётган ва истиқлол нуридан баҳраманд бўлиб, ўзлигини намоён этаётган минглаб ўзбек хотин-қизлари миллатимиз ғуруридир.

Лекин... Лекин шу билан бирга оналар қалбида доғ бўлиб қотган, ҳар бир соғлом фикрли инсон қоралаётган яна бир муаммо борки, бу ҳам бўлса, баъзи аёлларимизнинг пул, бойлик орттириш йўлида "жаҳонга чиқиши"дир. Не-не бўй етган қизларимиз катта пул ваъда қилган мунофиқ кимсаларнинг ёлғонига учиб, номус-орларини поймол этди, не-не аёлларимиз пул ишлаш мақсадида хорижга чиқиб, фаррошлик, энагалик "мақоми"да боёнларга хизматкорлик қилмоқдалар.

Ўйлаб кетаман. Ўша пулни шу ерда ҳам ишлаб топиш мумкин-ку!

Ҳукуматимиз ўрта ва кичик бизнесни, ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта ёрдам бермоқда.

Фарғона, Марғилон атлас тўқувчилари-ю дўппидўзлари, Бухоро-ю Самарқанд зардўзлари, Қашқадарё, Сурхондарё гилам тўқувчилари қанчадан қанча аёллар асрлар оша сайқал топаётган ҳунарларини давом эттириб, ҳам жамиятимиз равнақи, ҳам шахсий ҳаётини йўлга қўймоқда. Деҳқончилик, чорвачилик хўжалигини ривожлантирмоқда. Хусусий фирмалар, кичик корхоналарни ишга туширмоқда. Ҳар йили ўтказиладиган "Ташаббус" кўрик-танлови иштирокчилари бунинг яққол далилидир.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ҳақидаги қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес, фермерлик ҳаракатини, касаначиликни ривожлантиришга доир имтиёзлар аёлларимизга ўз мамлакатида ўз истеъдодларини намоён этишларига битмас-туганмас шароит яратиб бермоқда.

Ҳозирги пайтда ҳаётимизнинг барча соҳаларида – хоҳ ишлаб чиқаришда, хоҳ таълим-тарбия, илм-фан, маданият соҳасида бўлсин, хоҳ оила, маҳалла, меҳнат жамоаларида бўлсин, тадбиркор аёллар фаолият юритаётган фирмалар, марказларда бўлсин барча-барчасида фидокорона меҳнат қилаётган аёллар бунинг ёрқин далилидир.

6. ЭЗГУЛИК АНЪАНАСИ ДАВОМ ЭТАДИ. ЮРТИМ ЭЪЗОЗИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон хотин-қизларига 8 март – Меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами муносабати билан йўллаган байрам табриги да "Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонида қад кўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуига Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаккуримизнинг яна бир ёрқин ифодасидир", деб оналарга, аёлларга бўлган ғамхўрлигини эътироф этди.

Ҳа, Онажон! Юртбошимизнинг бу эътирофини мустақил юртимизнинг барча аёллари қаторида мен ҳам туйдим. Мустақиллик ва эзгулик монументи пойида ана шундай ҳаёллар оғушида турар эканман, ёш шоир Носиржоннинг қуйидаги шеъри ёдимга келди:

Ҳар кўнгилга ҳадди сиғар макон керак,
Сен ҳилолсан, осмонингни сақла, Аёл!
Бу ерга ҳам кўклам керак, райҳон керак,
Ҳар замонда заминни бир йўқла, Аёл!

Майса куйса, қовжирайди, тиғ бўлади,
Ҳароратдан тошлар ёниб, чўғ бўлади,
Сен куйдирсанг, кўнгил куйиб йўқ бўлади,
Кўнгил ҳаққи бу дунёни ёқма, Аёл!

Юз йил турсин, гулда шудринг зангламайди,
Гарчи юз йил турса, биров англамайди,
Аммо кўзёш келса, фурсат танламайди,
Йиғласанг ҳам алла айтиб йиғла, Аёл!

Юзларингни илоҳий бир ранг чулғасин,
Дуо қилгин, кўнгилдаги кўз илғасин,
Боланг билан севги деган дард улғайсин,
Муҳаббатдан бошқа туйғу туғма, Аёл!

Бу шеър қалбимда бир куй янглиғ бутун майдонни, еру осмонни қоплаётгандай, дунёга "Истиқлолни асранг, оналар" дея бир туғён бўлиб таралаётгандай эди.

Санобар НИШОНОВА,
педагогика фанлари доктори, профессор

✓ Ҳамкасб

Мақсуд ҚОРИЕВ:

«ИШЛАЙДИГАН ДАВР КЕЛДИ»

Бугунги кунда саксон ёшни қоралаб бораётган мўътабар инсон, ўзбек журналистикасида ўз мактабини яратган Мақсуд Қориев фавқулодда фаоллиги билан кўпларни ҳайратга солаётганини, эҳтимол, ҳамма ҳам билмас. Оқсоқол адиб шу ёшда «Ғазнавийлар» романини ёзиб битирди. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида маънавият ва маърифат кенгашига мутасаддилик қилмоқда.

Мақсуд Қориевнинг олтмиш йиллик ижодий йўлини жуда катта ҳаётий тажриба безаб турибди. Устоз билан бу галги суҳбатимизда кўнглимизга беихтиёр Алишер Навоийнинг «Ҳунарни асрабон нетгумдур охир» сатрлари келди.

Асли мутахассислиги юрист, лекин туғма журналист Сталин ҳукмронлигидаги шахсга сиғиниш даврини, Хрушчев бошчилигидаги маккахўжори тарғиботини, Брежнев келтирган турғунлик йилларини, Горбачевнинг «қайта қуриш»ини ўз вужудида ҳис қилиб, бугунги кунларга етиб келди. Табиийки, илк саволимиз ана шу кечмиш ҳақида бўлди.

— Мақсуд ака, умр чўққисидан назар ташлаганингизда кўнглингиздан қандай туйғулар ўтмоқда?

— Эҳ-ҳе, сизга қайси бирини айтсам. Ҳозир манови компьютер олдида гаплашиб ўтирибмиз-у, 1949 йил, 1 сентябрда «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятида адабий ходимлик лавозимида иш бошлаганимда қанақа шароит бўлганлиги хаёлимдан ўтмоқда. Биз бошдан кечирган йиллар ҳақида гапирсам, бугуни ёшлар ишонмаслиги ҳам мумкин.

Майли, иш шароитимизни XXI аср қулайликлари билан таққослаб ўтирмайлик. Мен тоталитар даврда журналистлар учун қандай тартиб-қоида ҳукмронлик қилганини гапириб берай. Камина ишлаган, бош муҳаррирлик қилган йилларда юриш-туришимиз фақат «марказ» вақти билан амалга ошириларди. Айтайлик, мамлакат раҳбари Никита Хрушчев кеч бўлганда «Известия» газетаси муҳаррири Аджебўй билан бирор мавзуда суҳбатлашиб қолди. Буни газетанинг навбатдаги сонида чоп этиш топшириғи бериларди. Бу пайтда бизда вақт ярим тунга яқинлашган, лекин ҳеч ким топшириқни бекор қилолмасди. Энди русча матнни қабул қилиш, сўнг ағдариш ва чоп этиш учун қанча вақт кетишини тасаввур қилаверинг. Тонг отарди, ҳали газета тайёр бўлмасди.

Ўша кунларни биз қисмат деб билгандик. Шу боисдан ҳам бугуни мустақил ҳаётимиз биз учун айниқса қадрлидир. Мен шундай кунга етиб келолмаган тенгдошларим учун ҳам Ўзбекистон тепасида истиқлол офтоби чарақлаганидан шодланаман. Ҳа, нурнинг қадри зулмат билан таққослаганда яққол билинади. Мустақиллик даврида яшаётган ҳар бир йилимни асрга тенглайман. Руҳимдаги шукроналик, ғурур танамга қудрат бўлиб қуйилади.

— Сиз турли нашрларда узоқ йиллар бош муҳаррирлик қилдингиз? Ўша қийинчиликларнинг роҳатини ҳам кўрганмисиз?

— Албатта, роҳатини кўрганман. Сиз бу савол билан нимани назарда тутганлигингизни билмадим, аммо «Совет Ўзбекистони» газетасининг тиражи камина раҳбарлик қилган даврда 800 минг нусхадан ошиб кетганда қанчалик қувонганмиз. У пайтда бош газета обунаси учун бутун аппарат ишлаган дейишингиз мумкин. Йўқ, аксинча миллионлик маррага етай деганимизда ўша аппарат тўсиқ ўрнатгани эсимда.

Бизга завқ берган бошқа омилни айтай. Кўпчиликни ўйлантираётган мавзу бўйича қилган чиқишларимизга минг-минглаб хатлар келарди. Газета қўлма-қўл ўқиларди. Бу мактубларни биров уюштирмасди. Биргина «Оналарни эъзозланг» деган публицистик мақолага келаётган хатларни почта бўлими ташиб улгуролмаганди. Ҳозир-чи? Сиз ўзингиз ёзаётган мақолаларга шунчалик хат келяптими?

— Бизга унақа хат келмайди-ю, телефон кўнгироқлари бўлиб туради. Ўтган йили Россияга кўчиб кетиб, сўнг яна қайтиб келган ватандошимиз ҳақида «Ўзбекистондан зўр жой йўқ экан» сарлавҳали очерким чиққанда анча гап-сўз бўлганди. Лекин, Мақсуд ака, Сизнинг даврингизда одамлар бафуржа хат ёзиш орқали ҳам кўнгил эҳтиёжларини қондирган. Ҳозирги тезкор замонда одамларнинг хат қоралаб ўтиришга вақти йўқ.

— «Сизнинг даврингизда» деб мени бугунги кундан ажратиб қўяяпсизми?.

— Йўқ, Сиз раҳбарлик қилган даврда демоқчи эдим...

— Тўғри, замон ўзгаряпти. Ёшларимиз бир-бирига айтмоқчи бўлган гапини хатда эмас, телефонда, баъзан интернетда ифодалашади. Лекин ижодкор учун оппоқ қоғоз узра қаламнинг юришидан кўра аъло завқ йўқ. Бунга дуо кетган. «Қуръони карим»нинг «Қалам» сурасида Аллоҳ таоло инсон зотига ато этган буюк неъматлардан бири қаламдир, дейилгани бежиз эмас. Кўнгилда туғилган эзгу фикрларни қоғозга тушириш, шу йўл билан бошқаларга етказиш - беқиёс жараён. Ижод қалами ҳаммага ҳам берилавермайди. Бу оламга бир кирган, маҳлиё бўлган одам қайтиб чиқиб кетолмайди.

Шуни ҳеч қачон унутмайликки, журналистика факультетини битирганларнинг барчаси ҳам журналист бўлолмайди. Ҳозирги замон журналисти, ҳамкасбимиз ким ўзи? Менимча, у чуқур билимга эга бўлган, фикр доираси кенг, кўп нарсалар ҳақида ижодий мулоҳаза юрита оладиган замон билан ҳамнафас кишидир.

Журналистикани битириб чиққач, мен шу соҳанинг мутахассисиман, деб фикр юрита оламизми? Йўқ, албатта. Касб маҳоратимизни қандай оширишимиз мумкин? Бунинг учун яна ҳам кўп ўқиш, амалий ишимизни илм билан боғлаб олиб бормоғимиз керак, шунда тафаккур доирамиз кенгаяди, бир томондан ишга тушиб кетганингиздан кейин яна ўқиш учун имконият бўлмайди. Ҳозирги тез ривожланиб бораётган, муаммоларга бой замонда, ҳаётимиз олдида қандай долзарб масалалар кўндаланг бўлиб турибди. Бунинг жавоби битта - муаммоларнинг асосийси - Инсон, унинг ҳаёти, турмуш турзи, орзу-умидлари, келажаги. Демак, журналист маҳоратининг асосий мезони - ҳазрати Инсондир. Айни шу бизнинг замондошимиз ҳозирги кунда кўп муаммолар - ижтимоий, сиёсий, иқтисодий масалалар журналистнинг фикр марказида турибди.

Журналист маҳорати замонамизнинг ажойиб кишилари билан учрашганда, мулокотда бўлганда, ҳатто уларни бахсга тортганда ўзи учун сермазмун материал тўплай олади. Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, мана, бир мақола ёзсангиз, эртаси куни газетада чиқиб кетади, бутун эл-юрт уни ўқийди. Сиз одамларга зиё, нур, эзгулик улашасиз. Бундан ҳам олижаноб иш, касб дунёда борми ўзи? Шу маънода баъзан тасодифий журналистларни, бу касбни кун кечириш воситаси деб тушунган кимсаларни кўрганда қоним қайнаб кетади.

— Бугунги журналистлар ижодини кузатганда қандай мулоҳазаларга борасиз?

— Ғалати парадокс. Газета кўп, табиийки, бош муҳаррирлар ҳам кўп. Лекин кўнгилга ўтирадиган журналистлар кам. Албатта, Иброҳим Норматов, Гулчеҳра Жамилова, Умида Файзиева, Кўчкор Норқобил, Номоз Саъдуллаев, Ҳаким Саторий каби эл таниган журналистлар фаоллик кўрсатиб турибди. Назаримда, айрим ҳамкасбларимиз журналистика деганда газета саҳифаларини бир амаллаб тўлдиришни тушунаётганга ўхшайди. Баъзан газеталарда катта-катта ҳажмда мақолалар чиқади. Ўқисангиз, оддий гаплар. Мана, неча йилдирки, матбуотимизда замонамиз қаҳрамонини яратиш ҳақида сўз кетяпти. Турли танловлар уюштириляпти. Лекин мустақиллик даврининг ёрқин қаҳрамонлари акс этган очерк, лавҳалар қани? Шундай даъво билан ёзилган асарларни ўқисангиз, кўпинча мақтов, ҳамду сано. Фалон фермер шунча пахта, ғалла етиштиришди. Унга шон-шарафлар бўлсин. Кечирасиз-у, бунақа чиқишлардан газетхон безиб бўлган. Модомики, бирор замондошимиз портретини ҳикоя қилмоқчи бўлсак, уни ҳаётнинг ичида, дуч келган қийинчиликларни қандай енгаётганлигини, янги даврга хос тафаккурини ишонарли тарзда кўрсатайлик.

Бугунги журналист янги давр вазифаларини ўзида акс эттирган ҳужжатлар билан қуролланган бўлиши керак. Қаранг, газеталарда қанчадан қанча фармон ва қарорлар чоп этиляпти. Лекин ўша ҳужжатларнинг мағзини чақиб берувчи, халққа содда қилиб тушунтирувчи мақолалар қани? Нега меҳнат жамоаларига кириб борган журналист ўша ҳужжатларда ифодаланган бандлардан келиб чиқиб савол-жавоб қилмайди? Бош муҳаррирлар мамлакат миқёсидаги мажлис ва анжуманларда Президент билдирган фикрларни зийраклик билан илғаб олиб, чиқишлар қилиши керак. Афсус, аксарият ҳамкасбларимиз масалага жуда юзаки ёндашадилар. Натижада ҳеч кимни қизиқтирмайдиган, зерикарли мақолалар, бутун бошли газеталар тақдим этилади.

Дилимдаги яна бир гапни айтмоқчиман. Бугунги мустақил замонимизни кўролмайдиган, ўтиш даври қийинчиликларини пеш қилиб, ўтмишни қўмсаётганларни аёвсиз фош этиш керак. Биласизми, ундай зотлар нега пана-пастқадамда ғийбат қилишади? Адолат офтоби чарақлагач, уларнинг аввалги насибалари қирқилди. Бозор муносабатларида тақсимлаш, бекитиб сотиш каби иллатлар чекинди. Натижада ундан кўлини иситиб оладиган ҳаромхўрлар қуруқ қолишди. Ундай кишиларнинг башарасини очиб ташлаш лозим. Бунинг учун журналистдан шижоат, жасорат талаб қилинади.

— Ижодкорнинг қалб қатида авайлаб юрган туйғулари бўлади. Бизни ана шу олам билан таништирсангиз.

— Биринчи айтмоқчи бўлган гапим шуки, мустақилликни қадрлашимиз керак. Ахир ўзбек халқининг асрлар мобайнида кўнглидаги армон ушалди. Истиқлол бизга она сутидай азиз. Уни ҳар қандай ғаламислардан, ёвуз кучлардан авайлаб сақлашимиз керак. Кўнглимда ана шу туйғу жўш уради...

Айтмасам туролмайдиган гапларим ҳам бор. Тарихда халқ учун жонини фидо қилган миллат фарзандлари ўтган - биз уларни муносиб қадрлаяпмиз. Лекин ўша аждодларимиз шу даражада эҳтиром кўрмай дунёдан ўтиб кетганлар. Ана шу хатони такрорламаслигимиз керак.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни, ўзбеклигимизни чуқур англаш саодатига мушаррраф бўлдик. Озод фуқаро учун, хусусан журналист учун ҳам, яйраб-яшнаб ишлайдиган давр келди. Шу ҳақиқатни англаб етайлик, бир-биримизга уқтирайлик. Бундай туйғулар ғурурифтихорга айлансин. Ватанимиз янада гуллаб-яшнашини кўриш бизларга ҳам насиб этсин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ
суҳбатлашди

ЗЎРНИКИ ТЕҒИРМОН ЮРИТАДИ...МИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

барпо этиб турса! Уни қандай изоҳлаш мумкин?

Мен шу хўжалик фермасида тракторчи бўлиб ишлаганман. Ферманинг 50 гектардан ошиқроқ ер майдони бўлиб, 3600 дан зиёд соғин сигири бўларди. Бу сигирларнинг ҳар бири алоҳида паспортга эга эди. Унда сигирнинг барча кўрсаткичлари, характеристикаси чиройли қилиб ёзиб қўйиларди. Ҳар бир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 35 литрдан сут олиниб, фермамиз беш йил давомида илғорликни ҳеч кимга бермаган. Буни қарангки, бугунга келиб мазкур сут-товар наслчилик фермасидаги барча замонавий асбоб-ускуналарнинг бирортасини тополмайсиз. Фақатгина асбоб-ускуна эмас, зотдор сигирлар ҳам йўқ бўлиб кетган. Ҳозирда ўша фермада 80-85 тага яқин жайдари сигир қолган, холос. Хўш, ўша зотдор жониворлар қаерга кетди? Бу саволнинг жавобини кимдан сўрашни билмайсиз.

Бир пайтлар айнан мана шу хўжаликда яшовчи икки нафар киши колхоз идорасидан қолдиқ баҳоси 3 сўмгина бўлган совутгични билмасдан олгани учун ҳар бири 7 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Ҳозир эса минг қатла шукур аҳвол буткул ўзгарди.

Қизиқ, Оқарбулоқ қишлоғидаги янги туғилган бузоқ ва ғунажинларни парвариш қилишга мослаштирилган йирик Калтепа молхонасини Аҳмад Турумов ва Жума Холёровлар биргаликда арзимаган баҳода сотиб олишиб, бузиб сотишди. Ферманинг ўрнига эса ҳозирги кунда ерёнғоқ экишмоқда.

Жиндибулоқ қишлоғидаги махсус бўрдоқичиликка мослаштирилган йирик молхоналар эса деярли сув текинга сотиб юборилди. Буни сотиб олган шахс колхознинг собиқ ҳисобчиси Имбар Ибрагимов бўлади. У ҳам фермага ишлатилган қурилиш материалларини сотиб юбориб, ўрнига ерёнғоқ экиб ташлади. Бунинг оқибатида қанчадан қанча одамлар ишсиз қолди. Фермалар таг-томири билан йўқотилди.

Жиндибулоқ маҳалласида 20 гектарли ерда қурилган махсус чўчқа бўрдоқичилик фермасининг улкан биноси бугунга келиб кепак нархида талон-тарож қилиб юборилди. Буни арзимаган пулга ферма мудири сотиб олди ва иншоотга ишлатилган материаллар ўзлаштириб юборилди.

Мен бу билан ҳалол, диёнатли одамлар тадбиркорлик қилмасин деган фикрдан йироқман. Менимча, улар сотиб олинган иншоотларни таъмирлаб, ишлатиб янги иш ўринларини очишлари керак эмасмиди?

Хўжалигимиздаги (Боташ, Жиндибулоқ ва Миришкор маҳаллаларидаги) зотли товуқларни кўпайтиришга мўлжалланган учта замонавий товуқхона ҳам колхознинг ўша вақтдаги раиси Зиёдулла Абдураимов томонидан ўзлаштириб юборилди.

Ваҳоланки, бу товуқхоналарнинг ҳар бирида камида 30 гектарли ер майдони, турар жой бинолари, омборхоналар бўлиб, камида 50-60 одам иш билан таъминланган эди. Бу фермаларнинг маҳсулоти ўша вақтда вилоятда товуқ гўшти ва тухумга бўлган талаб ва эҳтиёжни тўлиқ қондиришидан ташқари, Тошкент шаҳрига ҳам жўнатилган. Ҳозир ана шу бинолар ҳам ҳувиллаб ётибди.

Илгари хўжалик ҳудудидаги 5 та ёзги клуб ва битта қишки сарой мавжуд эди. Уларнинг барчаси сотилди ва бугунги кунда одамлар учун маданий дам оладиган бирор жой қолмади. Кутубхоналар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Марказий ҳаммом ҳамда маиший хизмат уйи ҳам сотилди. Шу сабабли уларга бўлган аҳоли эҳтиёжи бугунги кунда қондирилмасдан қолмоқда. Энг қизиғи, айтилган аксарият жойлар тикланиши, ишлаши ёки янги нарсага мослашиш ўрнига талон-тарож қилинадиган ҳоллар ҳам йўқ эмас.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасига катта эътибор қаратилди. Жумладан, жойлардаги ширкат хўжаликлари ўрнида замонавий фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Бир сўз билан айтганда, мулкчилик шакли ўзгариб, ер ҳақиқий эгасини топиб бормоқда. Лекин бу ўзгаришлар ҳам бизнинг "Пахтакор" хўжалигимизни четлаб ўтаётган кўринади.

Бир мисол: 2001 йилнинг 28 сентябрида Олтинсой тумани ҳокимининг 270-сонли қарори чиқди. Унда томорқа учун ер майдони олувчиларнинг 124 кишидан иборат рўйхати тасдиқланган эди. Қарорни кўриб қувониб кетдик. Чунки ана шу рўйхатда шахсан мен ҳам бор эдим-да. Бироқ чучварани хом санаган эканмиз. Меҳнат фахрийси бўласанми, колхоз тузасанми, нима бўлишидан қатъи назар "йўлини қилмасанг" томорқа ололмас экансан. Натижа шу бўлдики, хўжаликнинг энг умундор ерлари бошқа хўжалик аъзоларига ҳам сотиб юборилаверди. Жумладан, Миришкор қишлоғидан 33 та, Биби Зайнаб қишлоғидан 50 та, Боташ қишлоғидан 60 та, Оқарбулоқ қишлоғидан 40 та, хўжалик марказидан 20 тадан ортиқ ер участкалари ноқонуний тарзда сотиб юборилган.

Ростини айтсам, мен бугун ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган бир одамман. Лекин... кишига алам қилар экан. Мен шу хўжаликда 50 йил меҳнат қилдим. Бу ерлардан кимлар ўтмади. Бу ерларнинг бугунги ҳолатга келиши учун озмунча пешона тери кетгани йўқ. Мана шу машаққатлар кўз олдимдан ўтар экан, ичим ёнади. Шу боис ҳам кўнглимдагиларни қоғозга туширишга жазм қилдим.

Олтинсой тумани, "Пахтакор" жамоа хўжалигида яшовчи меҳнат фахрийси Тўхтамиш бобо Соатовнинг айтганларини оққа кўчирувчи Акмал ҲАМРОЕВ

А. ҲАКИМОВ чизган сурат.

Дараклар

Ҳиндистонда бахтсиз ҳодиса

Ҳиндистоннинг Уттаранчал штатидаги қоғоз корхонасида рўй берган ёнғин оқибатида тўққиз киши ҳалок бўлди, 50 дан ортиқ киши тан жароҳати олди, деб хабар беради BBC.

Хлорид натрий цистернасининг портлаши натижасида корхонада ёнғин бошланган. "Портлаш пайтида бинода юзлаб кишилар бўлган. Кейин ҳамма ёқни ёнғин қоплаган, — дейди маҳаллий полиция ходимлари. — Ҳозирча тўққиз кишининг мурдасини олиб чиқдик. Қурбонлар сони бундан кўп бўлиши эҳтимол". Корхона ичида яна юздан ортиқ кишининг борлиги айтилади хабарларда. Маҳаллий ҳокимият вакиллари корхона биноси тўлиқ аланга ичида қолганини айтмоқда.

Истеъфонинг италянча усули

Италиянинг амалдаги бош вазири Сильвио Берлускони 2 май куни истеъфога кетишини эълон қилди.

Шу билан бирга Берлускони Италия президенти Карло Адзельо Чампининг янги ҳукумат тузиш вазифасини сўл-марказ иттифоқи раҳбари Романо Продига топширишини ҳам эслатиб қўйди. Италия парламентининг иккала палатасига ҳам Проди иттифоқи вакилларининг сайланишидан бироз ўтиб, Берлускони шундай баёнот билан чиққан. Римдаги Палаццо Грациоли қароргоҳида Берлускони сешанба куни президент Карло Адзельо Чампи номига истеъфо сўраб боришини билдирди. Шунингдек, у Продига ҳукуматни бошқариш мандатини Чампи ёки 12-13 май куни парламентнинг иккала палатасидаги минтақа вакиллари иштирокида ўтадиган мажлисда сайланадиган янги президент топшириши эҳтимолини ҳам айтган.

Эслатиб ўтамиз, сайловда кичик фарқ билан ғалаба қозонган Проди блокини Берлускони тан олмай келаётганди. Президент Чампи ҳам масалага ойдинлик киритулгунига қадар Романо Продига ҳукумат раҳбарлиги мандатини топширишни бироз ортга сурган эди. 9-10 апрель куни ўтган парламент сайловида Романо Проди блоки (49,8 фоиз овоз билан) ғолиб чиққан, Сильвио Берлускони партиясига эса италянларнинг 49,7 фоизи овоз берганди.

Эронга ҳужум "Маҳшар куни"нинг бошланиши

БМТнинг Эрон ядро дастурига оид режаларни тўхтатиш борасида қўйилган ултиматум тугашига бир кун қолганда, Эрон диний раҳнамоси Оятилло Ҳумайний АҚШни мамлакатига қарши ҳарбий ҳужумлардан воз кечиши тўғрисида қаттиқ огоҳлантирди.

Шу кунга қадар бундай баёнотлар фақат Эрон президенти томонидан берилаётган эди. Ҳумайний баёнотида мамалакатига ҳужум қилинса, бутун дунё бўйлаб АҚШ манфаатларига зарбалар берилишини таъкидлаган.

Баёнотдан кейинги кунларда хориж матбуотида диний раҳбарнинг чиқиши нечоғли асосли экани борасида мунозаралар пайдо бўла бошлади. Лондонда чоп этиладиган «Asharq al-Awsat» умумараб газетасида эронлик таҳлилчи эҳтимолли қарши ҳужум ортида аниқ режалар мавжудлигини урғулаган. Мақолада "Маҳшар куни" деб номаланган жавоб зарбаси натижасида бутун минтақанинг жунбушга келиши тахмин этилади.

«4-ҳокимият»

3 МАЙ. МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ САРҲИСОБИ

"Қора қитъа"дан бошланган анъана

Бугун 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни. Бу санада бутун сайёрамизда "тўртинчи ҳокимият" эгалари матбуот ва сўз эркинлиги байрамини тантана қиладилар. Ушбу кунда дунё миқёсида улкан тадбирлар ўтказилади, ОАВ эркинлиги жабҳасида эришилган ютуқлар, бу борадаги тўсиқ ва муаммолар муҳокама этилади, бир сўз билан айтганда, 3 май куни матбуот эркинлиги сарҳисоби амалга оширилади.

Айни сана баҳонасида тайёрланаётган кичик сарҳисобни бошлашдан аввал Жаҳон матбуот эркинлиги куни тарихи хусусида икки оғиз.

1991 йилнинг 3 майида Намибиянинг Виндхук шаҳрида матбуот эркинлигига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда Африка давлатлари газета-журнал муҳаррирлари дунё ҳукуматларини ОАВ эркинлигини таъминлашга, журналистларнинг ҳақиқатни юзага чиқариш йўлидаги чиқишларига тоқатли бўлишга даъват этишди. Учрашув сўнггида матбуот эркинлиги тўғрисида Декларация имзоланди. Орадан икки йил ўтгач, 3 май БМТ томонидан Жаҳон матбуот эркинлиги куни, деб эълон қилинди. Шу-шу "қора қитъа"дан бошланган хайрли тадбир дунё миқёсидаги халқаро байрамга айланди. Мана 13 йилдирки, 3 май бутун жаҳонда матбуот эркинлиги куни сифатида нишонланади.

"Тўртинчи ҳокимият" учун хавфли давлатлар

Виржинияда журналистлар мемориал ёдгорлиги жойлашган. Ушбу ёдгорлик хотира лавҳига 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни арафасида ҳар йили аньанавий равишда ўз касбий бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистларнинг номлари киритилади. Мутахассислар эътирофига қараганда, 2005 йил демократия посбонлари — оммавий ахборот воситалари ходимлари учун хавф-хатарларга бой сана бўлди: Виржиниядаги ёдгорлик лавҳига 58 нафар мард ва жасур журналистнинг исм-шарифи қайд этилди...

Жадвалдан кўриб турибсизки, кўп йиллардан бери сайёрамизнинг "оловли нуқтаси" бўлиб турган Яқин Шарқ минтақаси журналистлар фаолияти учун ҳам хатарли ҳудуд сифатида қолмоқда. Хусусан, уч йилдан буён уруш ҳолатини бошдан кечираётган Ироқдаги тўқнашув ва тартибсизликлар ОАВ ходимларига ҳам оғир келди: бир йил ичида мамлакатда 22 нафар маҳаллидаги ва чет эл журналистлари ҳалок бўлди. Журналистлар ҳаётига зомин бўлаётган бошқа давлатлардаги ҳолат ҳақида кўп тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Фақат фидойи ҳамкасбларнинг шонли тарихидан яна бир рақамни келтириб ўтмоқчимиз: ўтган бир аср ичида, аниқроғи, 1812-2006 йилларда дунё миқёсида 1606 нафар журналист ўз касбий бурчини адо этиш чоғида қурбон бўлди...

"Stop jailing journalists!"

Бу инглизчадан таржима қилганда, "Журналистларни қамаш тўхтатилсин!" дегани. Айни пайтда Жаҳон газеталар ассоциацияси ОАВни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда шу номдаги акцияни ўтказмоқда. Акция ташкилотчилари журналистлардан кўп нарса талаб қилишмайди: бор-йўғи ОАВ ходимларини ҳибсга олиш билан боғлиқ ҳолат юзага келганда, ҳамкасблар ҳаётига бефарқ бўлмаслик ва ахборот кўмаги кўрсатиш сўралади, холос.

Халқаро ташкилотлар "Журналистларни қамаш тўхтатилсин!" дея бонг ураётгани бежиз эмас. Сабаби, ОАВ вакилларини ҳибс қилиш билан боғлиқ таҳлиллар хавотирли рақам ва хулосаларни келтириб чиқармоқда.



2005 йил якунига кўра, дунё мамлакатлари қамоқхоналарида 788 нафар журналист ҳибсда сақланган. Ҳар йилгидай Осиё, Лотин Америкаси ва Африка давлатлари бу борада етакчи ўринда турибди. Монархия тузумида яшаётган Непал давлати "тўртинчи ҳокимият" вакилларини ҳибсга олиш борасида ўзига хос "рекорд" ўрнатди: мана шу биргина митти давлатда 400 га яқин журналист маҳкумликда сақланяпти. Бундан ташқари, қолоқ ва нотинчликда ҳаёт кечираётган Африка давлатлари — Эфиопия (35 нафар ОАВ ходими ҳибсда) ҳамда Конго Демократик Республикаси (27), аньанавий жамият сифатида баҳоланадиган Эрон (28), фуқаролар уруши остонасига келиб қолган Ироқ (21), дунёнинг бармоқ билан санарли коммунистик мамлакатларидан бири Куба (16), халқаро ҳамжамият томонидан диктаторлик режими остида деб танқид қилинаётган Белорусь (14) "тўртинчи ҳокимият"га қарши кайфиятдаги ҳукуматлар рўйхатида етакчилик қилмоқда.

Таҳлилчилар фикрича, турли баҳоналар билан ҳибсга олинган ва озодликдан маҳрум этилган журналистлар кўп ҳолларда юқори мансабдорлар буюртмаси қурбони бўлмоқдалар. Яъни, улар бирор бир аниқ жиноят сабабли эмас, аксарият ҳолларда сиёсий фаолиятлари учун ҳибс қилинмоқдалар.

Умуман, ўтган яқин йиллар демократия посбонлари учун хавф-хатарларга бой давр бўлди. Дунёнинг у ёки бу нуқтасида рўй берган тўқнашувлар, ранг-баранг инқилоблар, ҳукумат учун курашлар пайтида кўплаб журналистлар азият чекди, қурбон бўлди. Бу, бир томондан, демократияни қарор топтириш, матбуот эркинлигини таъминлаш қурбонларсиз бўлмайди, деган хулосани яна бир бор ёдга солади. Бошқа томондан, матбуот ва сўз эркинлиги демократик қадрият сифатида тан олингани ва бу миллий, ҳатто халқаро ҳуқуқ меъёрларида мустаҳкамланганига бир асрдан ошиқ вақт ўтганига қарамай, "тўртинчи ҳокимият"га қарши кайфият тобора кучайиб бораётгани кишини ўйга толдиради...

"Гильермо Кано" кимга насиб этди?

3 май куни катта ижодий маҳорат ва жасорат кўрсатган журналистларга Гильермо Кано номидаги халқаро мукофот топшириш ҳам аньанага айланиб қолган.

Гильермо Кано — колумбиялик журналист, "Эл-Эспектадор" газетасида эълон қилган коррупция ва наркосавдо тўғрисидаги ўткир мақолалари билан танилган. Канонинг қонун панасидаги асл жиноятчиларни фош қилиш йўлидаги ҳаракатлари жиноий тўдаларга маъқул келмади: кўрқмас журналист 1986 йилда ўлдирилди.

Ана шу фидойи журналист номи билан аталувчи мукофотга ЮНЕСКО томонидан 1997 йилда асос солинган. Ўтган йиллар давомида ушбу мукофотга Гао Ю (матбуот эркинлиги йўлида курашгани учун Хитойда "халқ душмани" деб эълон қилинган ва кўп йиллар маҳкумлик ҳаётини бошдан кечирган), Кристина Анианву (Нигерия ҳукумати юқори мансабдорларини танқид қилгани учун ҳибсга олинган), Йесус Бланкорнелас (Мексикада кенг тарқалган наркотик моддалар савдоси мавзусида илк журналист текширувларини олиб борган), Низор Наюф (Сурияда нашр этиладиган "Демократия овози" газетасига муҳаррирлик қилган журналист юқори мансабдорлар билан келишолмагани сабабли узоқ йилга озодликдан маҳрум этилган), У Вин Тин (Бирмада чоп этилган "Хантавати" кундалик газетаси муҳаррири, мухолифатдаги партия етакчиси, сиёсий фаолияти учун 1989 йилдан буён қамоқда сақланмоқда) каби етакчи журналистлар сазовор бўлишди. 2006 йилги «Гильермо Кано» мукофоти эса ливанлик журналист Май Чидиакка насиб этди. LBC телекомпанияси ходими бўлган Чидиак хоним 2005 йилнинг сентябрида телевидение учун репортаж тайёрлаш чоғида портлаш натижасида бир қўли ва оёғидан маҳрум бўлганди. ЮНЕСКОнинг юқори даражадаги ҳайъати хизмат вазифасини бажариш пайтидаги аёлларга хос бўлмаган жасорати учун ливанлик таниқли телемухбирни 2006 йилнинг энг яхши журналисти деб тан олди.

С. КАМОЛ

ННТ

«Sharq ayoli»: халқаро миқёсдаги эътироф

"Sharq ayoli" халқаро аёллар жамғармаси
Ташкил топган йили: 1999 йил октябрь
Таъсисчилар: Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон
Асосий мақсад-вазифаси: хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш
Бош қароргоҳи: Тошкент, Беруний, 12-уй
Ваколатхоналари: АҚШ (Чикаго), Россия (Санкт-Петербург), Қозоғистон, Тожикистон
Халқаро муассаса Интернет саҳифаси: www.eastwoman.org
Раҳбари: академик Саодат Турсунбоева
Жамғарма шиори: "Ҳар бир оилага — тинчлик, ҳамжиҳатлик ва эзгулик!"

Ҳуқуқий демократик давлат қуришдек мураккаб жараёнда нодавлат-нотижорат ташкилотлар жуда муҳим ўрин тутиши ривожланган мамлакатлар тажрибасида ўз исботини топган. "Sharq ayoli" халқаро аёллар жамғармаси ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида фаолият юритиб келаётган ННТлардан бири.

1999 йил мамлакатимизда "Аёллар йили" деб эълон қилинди. Ушбу воқеа халқаро хотин-қизлар ташкилотининг фаолият дебочаси бўлди, дейиш мумкин. Сабаби, деярли икки йил давомида ташкилий қўмита шаклида иш олиб борган "Sharq ayoli" айни шу санада — 1999 йилнинг октябрида Адлия вазирлиги томонидан халқаро жамғарма сифатида рўйхатга олинди.

Дастлаб муассасанинг таркибий қисми сифатида тўрт департамент ташкил этилди.

Ижтимоий масалалар бўйича департамент кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, ижтимоий муҳофаза билан шуғулланади. Жамғарма тизимида муҳим аҳамият касб этувчи инновацион технологиялар департаменти технология ва ноу-хау соҳасидаги сўнгги лойиҳаларни молиялаштириш ва уларни рўёбга чиқариш ишига масъул. Ҳуқуқий масалалар бўйича департамент эса хотин-қизлар ҳуқуқ-эркинлигини ҳимоялаш борасида иш олиб боради. Молиявий-сармоявий фаолият департаменти ташқи ва ички ресурсларни ишга солган ҳолда, хайрия дастурларини амалга оширади.

Фонд иш фаолияти ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат асосига қурилгани боис бўлса керак, жамият ҳаётининг турли соҳаларига доир дастурлар муваффақиятли тарзда амалиётга татбиқ этилмоқда. "Sharq ayoli" жамғармасининг иш қўлами, фаолият йўналиши жуда ҳам кенг. Буни халқаро ташкилот ҳам иқтисодий-молиявий, ҳам маданий-маърифий, ҳам ижтимоий-сиёсий йўналишдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётганидан ҳам билса бўлади.

Шу пайтгача "Sharq ayoli" молиявий кўмагида информацион технологиялар, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, тиббиёт ҳамда фаннинг бошқа йўналишларида ўнлаб илмий кашфиёт, лойиҳалар яратилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Қувонарлиси, мазкур лойиҳалар халқаро илмий доираларда ҳам ўз қадрини топа бошлади.

"Sharq ayoli" жамғармаси энг муҳим масалалардан бўлиб қолаётган ишсизлик муаммосини ечиш йўлида ҳам амалий чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Бу йўлда янги иқтисодий ғоялар, ихтиролар қўллаб-қувватланди ва ННТ ёрдами билан ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Белгиланган мақсадларни рўёбга чиқариш учун халқаро муассаса илмий жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган. Бугунга келиб, 400 га яқин академик, профессор ва фан номзодлари фонд билан ҳамкорликдаги илмий тадқиқотларда иштирок этаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ҳозирда "Sharq ayoli" халқаро жамғармасининг бўлимлари нафақат Марказий Осиёда, балки дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатларида — АҚШ (Чикаго), Россия (Санкт-Петербург)да ҳам фаолият олиб бормоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, халқаро ННТ ўтган олти йиллик фаолияти давомида ўз лойиҳаларини давлат субсидиялари ва грантларсиз илғор олимларнинг ижодий кучи ва ички манбаларни ишга солган ҳолда амалга оширди. Ички манбалар эса ташкил этилган шўъба корхоналари даромадидан тўлдириб борилди.

Шу ўринда яна бир қувонарли янгиликни айтиб ўтмоқчимиз. Яқинда "Sharq ayoli" жамғармаси раҳбари Саодат Турсунбоева Халқаро Иқтисодий Хавфсизлик академияси (МАЭБ)нинг ҳақиқий аъзоси деб тан олинди ва раиса опага "Меценаты столетия" фондининг "Честь и польза" олтин медали топширилди. Буни, албатта, "Sharq ayoli" жамғармаси фаолиятининг халқаро миқёсдаги эътирофи деб баҳолаш мумкин.

МУХБИРИМИЗ

P. S. "Sharq ayoli" халқаро жамғармаси тўғрисидаги қўшимча маълумотни ***www.eastwoman.org*** сайтидан олишингиз мумкин.

Эзгулик

Куни кеча "Ўзэкспомарказ"да Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Анжуманни Ногиронлар жамияти раиси Ойбек Исҳоқов кириш сўзи билан очди. Тадбирни ташкил этиш ва ўтказишни молиялаштирган Тошкент шаҳар ҲДП котиби Учқун Шойимқулов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вакили Нина Тўрабоевалар жамият фаолларининг эзгу ишларида омад тиладилар. Жамият фаоли Сайёра Маърупова ушбу муассасанинг ташкил этилиши, фаолият кўлами ҳақида сўзлади, кўрсатилаётган хайрия ва ҳомийлик ёрдамлари учун миннатдорлик билдирди. Ўзбек Миллий академик театрининг таниқли актрисалари Саида Раметова, Зуҳра Ашурова, Муқаддас Холиқова, хонанда Гули Асалхўжаева, сўз устаси Шукурулло Исроиловлар тадбир иштирокчиларини байрамлари билан табриклаб, кечага файз бағишладилар.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Мана ўн беш йилдирки, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти баҳоли қудрат мамлакатимиздаги ногиронларни жамиятнинг узвий бир қисми сифатида, бировдан кам бўлмаган тарзда умргузаронлик қилиши, меҳнат қилишида кўмакдош бўлиб келмоқда. Бугунга келиб, Ногиронлар жамияти республикадаги энг йирик жамоат ташкилотларидан бирига айланди. Республиканинг 114 дан ортиқ туман ва шаҳарларида жамиятнинг бўлимлари фаолият олиб боряпти. Жамиятнинг 120 мингдан ошиқ аъзосини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий таъминоти, ўзларига мос иш билан таъминлаш, ногиронлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш, жамиятга инсонпарварлик ёрдамларини жалб этиш, ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ўнлаб масалаларда ташкилот бош-қош бўлиб келмоқда.

Ҳукуматнинг жамият фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаолиятига қўлланиладиган солиқ имтиёзлари яратилгани натижасида 200 дан ортиқ шўъба корхоналарида 4000 дан зиёд ногирон меҳнат қиляпти, оила тебратяпти. Ўтган 15 йил давомида жамият ногиронларга 100 миллион сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатди. Олий ва ўрта-махсус билим юртларида ўқиш истагида бўлган ногирон абитуриентлар ҳамда ўқиётган ногирон талабаларнинг контракт пулларини тўлашда амалий ёрдам бериб келяпти.

Бундан ташқари, саломатликларини тиклашлари учун ногиронларга санаторий йўлланмалари, ногиронлар аравачалари ва бошқа зарур ускуна ва анжомлар харид қилишда кўмак кўрсатмоқда. Жамият Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, "Ёнграг" фонди билан ҳамкорликда ногирон болаларнинг "Рангларнинг сеҳри олами" деб номланган ижодий танловини ҳамда ногиронлар ўртасида "Мустақиллик" кубоги мусобақаларини мунтазам ўтказиб келмоқда. Жамоат ташкилоти ва ногиронлар қатлами манфаатларининг ифодачиси сифатида жамият давлат ташкилотлари, вазирликлар ҳамда республиканинг бошқа нодавлат ташкилотлари билан яқиндан алоқа ўрнатган.

Ислом СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Ногиронлар жамияти матбуот хизмати раҳбари

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".

Жараён

МАҲАЛЛА РАВНАҚИ — ВАТАН РАВНАҚИ

Маълумки, шу кунларда мамлакатимиздаги барча ҳудудларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови давом этаяпти. Самарқанд шаҳар маънавият ва маърифат маркази раҳбари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига кўмаклашувчи комиссия раиси Тангир САТТОРОВ мухбиримизга Самарқанд шаҳрида сайлов борасида қилинаётган бугунги ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— Халқ ибораси билан айтганда, ғалвир сувда кўтариладиган пайт келди. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўша ҳудудда ўтган 2,5 йил мобайнида қандай раҳбарлик қилди, аҳолининг ишончини оқладими, уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб, дардига дармон бўлолдими, ана шулар ҳақида ҳисобот беради. Қолаверса, аҳоли ҳам улар фаолиятини баҳолайди.

"Мустақиллик" маҳалласи айтиш мумкинки, шаҳримизнинг инфраструктураси ривожланган, савдо-саноат, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларига эга бўлган, давлат ва нодавлат тузилмалар энг гавжум бўлган ҳудуд ҳисобланади. Ўтган икки йил мобайнида Юртбошимизнинг ташаббуси ва Олий Мажлис Сенати аъзоси, шаҳар ҳокими С. Рафиқовнинг саъйи ҳаракатлари туфайли биргина мазкур маҳалла ҳудудидаги Алишер Навоий (илгариги "Мустақиллик") кўчасининг XIX асрда бунёд этилган асл қиёфаси мавжуд суратларга қараб тикланди, буюк бобомиз номидаги марказий истироҳат боғи ва унинг атрофлари таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Бу фақат битта маҳалла ҳудудида амалга оширилган ишлар. Агар буни шаҳар миқёсида оладиган бўлсак, ўтган 2,5 йил мобайнида мавжуд 192 та маҳаллаларнинг кўпларида замонавий маҳалла марказлари, спорт-соғломлаштириш иншоотлари бунёд қилинди, касаначилик, ҳунармандчилик, халқ амалий санъатининг ривожланишига катта имкониятлар яратиб берилди. Тарихий ёдгорликларнинг атрофи гулу гулзор қилиниб, обидалар таъмирланди, янги йўллар очилди. Буларнинг ҳаммаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун яратилаётган шарт-шароитлардир. Давлат ҳокимияти фуқаролик жамиятини барпо этишда фуқароларга ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқларини амалга оширишга яқиндан кўмаклашмоқда.

Савол туғилади: хўш, маҳаллалардаги бу ишлар, ободончиликлар ўз-ўзидан бўлиб қолдими? Маҳалла раиси қўл қовуштириб ўтирса, маҳалланинг ободлиги, аҳолининг кайфияти билан қизиқмаса, фуқароларни янги-янги ташаббусларга чорламаса... — бундай ҳолатларда ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини қандай баҳолаш мумкин? Шаҳар ҳокими деярли ҳар бир йиғилишида: "Мен кеча-ю кундуз сизларнинг хизматингиздаман, муаммонгизни айтинг, биргалашиб ечимини топамиз, ҳал қиламиз" дейди. Ўз маҳалласининг фаровонлиги учун юғур-юғур қилган оқсоқоллар ўтган 2,5 йил мобайнида анча-мунча ишларни амалга ошириб қўйди, халқнинг олдида юзи ёруғ бўлди. Қўл қовуштириб ўтирган, берсанг ейман, турсанг юраман, дейдиган оқсоқолларнинг этагини йиғиштирадиган пайт келди.

Қаранг, маҳаллада қиламан, деса барча имкониятлар, ишчи кучи, хуллас, ҳамма шароитлар бор. Фақат ғайрат, янгиликка интилиш ва ташаббус керак. Мана, мисол учун битта С. Кўбаев оқсоқоллик қилаётган Мирсаид Барака маҳалласида маҳалла жамғармаси ҳисобидан ночор оилалар учун 1 миллион сўмдан зиёд коммунал тўловлар амалга оширилди, данғиллама қилиб маҳалла маркази қурилди. С. Кўбаев ҳар бир байрамда аҳолининг турли қатламлари учун хайр-эҳсонлар ташкил қилади, уларнинг кўнглини олади, хуллас тиниб-тинчимайди. Агар барча маҳалла оқсоқоллари С. Кўбаев сингари жонкуяр бўлганида эди, шаҳримизда умуман муаммонинг ўзи қолмасди.

Кўп узоққа бормай, Ҳалима Муҳаммедовани олайлик. У кейинги икки ой мобайнида "Мустақиллик" маҳалласи раиси вазифасини бажариб келаяпти. Асосий эътибор уй-жой, коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашга, аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришга қаратилаяпти. Қисқа муддат ичида реал ва нореал тўловлар бўйича хатловлар амалга оширилди. Иқтисодий ночор аҳоли қатламларининг рўйхати тузилди. Уларга турли байрам ва тадбирларда қўлдан келганича иқтисодий кўмак берилаяпти. Ҳозир шаҳар ҳокимияти билан келишилган ҳолда маҳалла маркази қурилиши учун жой танланаяпти. Маҳалла ҳудудида яшаётган, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ташкилий ишларга жалб қилинди. ҳомийлар ва шифокорлар йилида хайр-эҳсон тадбирлари амалга оширилди. ҳомийлар ҳисобидан ночор-ногиронларга ёрдам берилаяпти, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантирган ҳолда янги иш ўринларини очиш режалаштирилган. Шунингдек, маҳалла аҳолиси учун бепул хизмат қиладиган, дори-дармон билан таъминлайдиган тиббий хизмат маркази ташкил қилинмоқда. Тиббиёт ходимларининг ойлик маоши маҳалла жамғармаси ҳисобидан тўланади.

Маҳаллада оналик ва болалик, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оиладаги ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган тадбирлар амалга оширилаяпти. Ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар хил зарарли оқимлар таъсирига кириб кетиши, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида маҳалла ҳудудидаги умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари, шаҳар ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда иш олиб борилаяпти. Муассасаларнинг санитария ва экологик ҳолати, режали ва ноқонуний қурилишлар, ҳукумат қарорлари ва қонунларнинг тегишли мутасадди раҳбарлар томонидан бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳамкорликда коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириш маҳаллалар учун бош йўналиш ҳисобланади.

Ҳозир сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Ишчи гуруҳи фаолиятини шаҳар ҳокимлиги томонидан қўйилган вакиллар назорат қилиб боришади. Маҳалла, фуқаролар йиғини раислигига ишчи гуруҳи томонидан шу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли фикри эътиборга олинган ҳолда муқобил раивщда бир нечтадан номзодлар кўрсатилди. Маҳалла қўмиталари идоралари керакли жиҳозлар, алоқа воситалари, матбуот нашрлари, шиорлар билан таъминланаяпти, керак бўлиб қолганда халқ депутатлари шаҳар кенгашининг сайловни ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясига мурожаат қилиняпти ва амалий ёрдам берилаяпти.

Мақсадимиз ҳар бир маҳалла аҳлининг халқим, маҳаллам деб жон куйдирадиган, елиб югурадиган, Ватан равнақи учун хизмат қиладиган муносиб раис ва оқсоқолларни сайлашдир.

"HURRIYAT" мухбири
Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ суҳбатлашди

Эҳтиром

Жуманазар Бекназаров билан кўчада ёнма-ён юрсангиз, албатта, югуриб юришингизга тўғри келади. У жуда тез юради. Бир куни педиатрия институти клиникаси ҳовлисида кетаётганимизда бу одамнинг ортидан югура-югура тушунтирдим: «Жуманазар ака, биласизми, тарихчилар Пётр I масаласида хато қилишган. Айтишларича, Пётр I йўлда ўз майлида юриб кетаётганда атрофидагилар унга етишиб юриш учун югуриб юришлари керак экан. Йўқса, орқада қолиб кетишаркан-да. Тарихчилар бу ҳолни унинг бўйи баландлиги билан изоҳлашган. Бу нотўғри. Менимча, Пётрнинг ғайрати ичига сиғмаган. Мана, сизни олайлик, бўйингиз жуда баланд эмас, биру етмиш... Аммо, икки метрлик одам сиз билан ёнма-ён юрса, албатта унга ҳам югуришга тўғри келади».

ЖУМАНАЗАР АКАНИНГ СТИПЕНДИЯСИ

Ҳақиқатан, Жуманазар аканинг ғайрати ичига сиғмайди. У дарёдай тўлиб-тошиб юради, шунинг учун ҳамма нарсага улгуради. Эрталабдан кечгача операциялар, беморларни текшириб, уларга муолажа белгилаш, одамлар билан мулоқотлар, илмий кенгашларда қатнашиш, дўсту ёрлар билан хабарлашиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, ижодий ишлар билан шуғулланиш, газеталарга мақолалар тайёрлаш ва ҳакозо, ва ҳакозо. Э-ҳэ, бунча ишларни бажариб улгуриш учун қирқ йигитнинг куч-ғайрати, ўқуви ва уқуви бир йигитда мужассам бўлиши керак.

Жуманазар акани ишда кўрасизми, ё уйидами, барибир ҳамиша уни одамлар ўраб олган ҳолда кўрасиз. Кимдир маслаҳат сўрайди, кимдир бу жонкуяр одам билан гурунглашгиси келади, кимдир илм ўрганишни истайди. Шунинг учун ҳам биз гоҳо унга ҳазиллашиб қоламиз: «Жуманазар ака, сиз энергия манбаига айланиб кетяпсиз», — деб. Ростданам, яхши одамлар бошқалар учун руҳий қувват манбаига ўхшайди. Чунки биргина одам бир кунда хилма-хил мулоқотларга, турли ишларга озмунча энергия сарфлайдими, унинг ўрнини тўлдириш учун эса, албатта, яхши одамлар билан учрашиб туриши керак.

Унинг беморлар билан муомаласига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. У ўта оғир аҳволда келган касалларга ҳам гапини ҳазилҳузулдан бошлайди. «О, сизнинг юрагингиз «Мерседес»нинг моторидан ҳам кучли. Бундай юрак билан бемалол 150 йил яшаса бўлади». «Шуни ҳам касал деб ўтирибсизми? Кўрқманг! Касал сиздан кўрқсин». Шундан сўнг ўзидан умидини узиб кўйган бемор ҳам унинг ҳузуридан дадил ва мардона чиқиб кетади. У муолажани руҳий муомала билан бошлайди.

«Жарроҳ операцияга кирганда, вақтни унутиши керак. Операция бошлангандан сўнг беш минут ўтдими, икки ё уч соат ўтдими, билмаймиз. Фақат ишни тугатгандан сўнг товонлар зирқирай бошлагач, операциянинг қанча вақт давом этгани билан қизиқиб қоламиз». Ҳолбуки, иш вақти қачон тугар экан деб соатга термулиб ўтирадиган қанча. Ёхуд ўта муҳим ишларни эшагим сувдан ўтгунча деб, қўлдан ўтарга бажарадиганлар қанча... Ҳамма ўз ишига шундай муносабатда бўлса борми, албатта, дунё ўзгариб кетган бўларди. Қарангки, у гоҳо шогирдлари билан операция столи ёнида тик турган ҳолда бешолти соатлаб кўзининг нурини, юрагининг қўрини тўкиб ишлайди. Чунки у ўлим билан олишади. Айни шу сонияларда бировнинг ҳаёти ўзининг кафтида чайқалиб турганини ҳис этиш нақадар улуғ масъулият. У суҳбатларимиздан бирида: «Шифокор ўлим ҳодисасига кўникиши мумкин эмас» деганида, ҳар қандай вазиятда бемор ҳаёти учун ўлим билан курашиш кераклигини назарда тутган эди. Ҳадеб ўлимга таслим бўлаверадиган шифокор шифокорми? Бундай катта жангда шифокордан аввало катта билим, тинимсиз изланиш, қунт ва сабот, сабр ва жасорат, ўз ишига садоқат, фидойилик талаб этилади. Жуманазар Бекназаров эса ўз ҳаётини ана шундай фазилатлар ва амаллар асосида ташкил этган.

«Операциянинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳаммаси жуда нозик. Шунинг учун ҳар бир операция жарроҳ учун катта имтиҳондир. Гарчи жарроҳ минглаб операцияларни бажарган бўлса-да, унинг навбатдаги операцияси каттами-кичикми бундан қатъий назар унинг олдида турган навбатдаги имтиҳондир. Мен ҳар бир операцияни жарроҳлик столи қошига боришдан олдин барча вариантлари билан босқичма-босқич ҳисоблаб чиқаман. Ишни бажариб бўлгач эса ўша операцияни бошидан охиригача яна бир марта ўйлаб чиқаман».

Дарҳақиқат, унинг бутун ҳаёти мунтазам имтиҳонлардан иборат. Энг масъулиятлиси шундаки, бу имтиҳон ўқитувчиларга эмас, умидвор тикилиб турган беморга ва Худога топшириладиган имтиҳондир. Чунки унинг замирида инсон ҳаёти бор!

«Яқинда ишхонамга кичкина ўғилчасини етаклаган бир йигит кириб келди. У: «Жуманазар ака, набирангизни бир кўриб қўйинг деб олдингизга келдик. Бу бола сизнинг чин набирангиз, — деб ҳаяжон билан ўзини таништирди. — Мени эслай олмадингиз-а? Тўғри, у пайтлар кичкина эдимда. Сиз мени 1990 йилда операция қилган эдингиз. Эсимни таний бошлаган пайтларим эди. Шунинг учун ҳам шифохонага келаётганимда қишлоғимиздаги баъзи одамларнинг «Бу энди бутунлай ногирон бўлиб қолади. Ота-онасининг шўрига яралган экан» деган гапларини ўз қулоғим билан эшитгандим ва бу гаплар менга кўп оғир ботиб кетган эди. Ўша пайтларда шифохонада ҳар куни тақдиримни ўйлаб эрта-ю кеч гоҳ ошкора, гоҳ яширин йиғлаб ўтирар эдим. Кейин сиз мени операция қилдингиз. Бутунлай тузалиб кетдим. Йиллар ўтиб, вояга етиб уйландим. Мана, фарзандли ҳам бўлдим. Шунга хурсандчилигимдан шу неварангизни сизга бир кўрсатиб кетай деб олиб келдим». Унинг бу самимий гаплари менга қанот бағишлагандай бўлди. Ўз ишингнинг яхши натижасини кўриб бошинг осмонларга етар экан. Шифокорлар учун энг муҳими шу!»

Сиз дарднинг зўридан сарғайган рангпаргина болаларни кўз олдингизга келтиринг, ундан кейин шундай боласини шифокор ҳузурига олиб келган ва бунга ўзлари айбдордай ийманиб, қимтиниб, зорланиб турган ота-оналарни тасаввур қилинг. Бундай пайтларда уларнининг олтмиш томирлари эгилади, танлари ичида не-не зилзилалар кечади. Бу дардни уларнинг ўзлари биладилар. Аммо шу дардни шифокор ҳам ҳис қилиши қанчалар муҳим.

Осма уколларнинг остида ётган
Дарёларни кўрдим... сариқ дарёлар...
Кучли иситмадан қайнаб борётган,
Кўзлари киртайган ориқ дарёлар...

Жуманазар ака ҳар гал айтади: «Беморнинг менга қараши, афти-ангори, термулиб туриши ҳеч кўз олдимдан кетмайди». Ҳамма гап шунда. Масъулият ҳам, фаолият ҳам ана шу нуқтадан бошланади. Дардни билиш, унга даво қилиш учун биринчи босқич ҳам шунда. Ўзингиз тасаввур қилинг, жарроҳлик столида ётган бемор операция пайтида ҳам, операциядан чиққан пайтда ҳам айни ҳаёт ва ўлимнинг ўртасида жон талашади. Бу пайтда жарроҳнинг битта нотўғри қадами, битта қалтис ҳаракати нечоғли оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки бемор бу пайтда ўз ҳаётининг жон риштасини шифокор қўлига топширган бўлади.

«Жарроҳнинг маҳорати унинг қайси операцияларни бажара олиши билан эмас, балки қандай операцияларни бажара олмаслигини тан олиши билан белгиланади». Жуманазар аканинг бу гапи менга Шукур Холмирзаевнинг ёзувчилик ҳақида «Нимани ёзишни билиш муҳим, нимани ёзмасликни билиш ундан ҳам муҳим» деган гапларини эслатади.

Жуманазар ака ҳам фан одами, ҳам эл одами. Ҳар йили Наврўз кунларида у таниқли шоирлар ва олимлар билан ўзи туғилган қишлоғига бориб, катта ижодий учрашувлар ўтказади. Бу учрашувлар чинакам маънода маънавият ва маърифат байрамига айланиб кетади десам, ҳеч муболаға бўлмайди. У ўзи унибўсган қишлоғида етилиб кетаётган авлод тақдирига катта эътибор билан қарайди. Худди шу учрашувлар чоғида Жуманазар ака ўзи ўқиган мактабдаги 22 та синфнинг энг аълочи ўқувчиларига (ҳар бир синфдан бир ўқувчига) махсус стипендиялар тарқатади. Бу сўлим орзулар билан яшаётган ўқувчилар учун катта рағбат. Зеро, қишлоғидан чиққан профессорнинг қўлидан яхши ўқигани учун махсус совға олиш қайси ўқувчининг қувонтирмайди дейсиз. Қамай қишлоғидаги шу мактабда бўлсангиз, бу даргоҳда кўплаб иқтидорли болалар етилиб келаётганига гувоҳ бўласиз. Улар билан суҳбатлашсангиз ҳам кўнглингиз яйрайди. Худо хоҳласа, ҳали бу мактабдан Бекназаровдай профессорлар кўп чиқади.

У тинимсиз изланади, ўзи айтганидай: «Шифокор мен фалон даражага етдим, мен ҳамма нарсани билиб олдим дедими, бас, у шу нуқтада бутунлай тўхтайди». Ижодкорлик унинг табиатида бор. У тиббиёт соҳасидаги тадқиқотлари ва илмий мақолалари билан бир қаторда адабий соҳада ҳам қатор ишларни амалга оширди. Кўплаб публицистик мақолалар, шеърлар ва достонлар, насрий китоблар ёзди. Бу алоҳида мавзу.

Унинг шунча ишларга қандай улгуришига ҳайрон қоласан. Менимча, бунга сабаб шу ишларни қилишим керак, шу фикрларимни элимизга айтишим керак деган чин истак одамнинг ўзида бўлишида экан. Ҳеч нарсага бефарқ қарамасликка ўрганган одам ҳамма нарсага улгуради.

Эшқобил ШУКУР

Газетанинг навбатдаги сони 17 май, чоршанба куни чиқади.

Робита

«ҲАҚИҚАТ БИЛАН ОҒРИГАН ШОИР...»

Эсимда, 1971 йилнинг сентябри эди. Журналистика факультетининг иккинчи курсида ўқир эдим. Қозоғистон адабиёти кунлари бўлиши муносабати билан Алишер Навоий номли катта театрнинг майдонида китоб кўргазмаси ташкил қилинди. Дарсни қолдириб, икки-уч курсдошлар ўша жойга барвақт бордик. Ниятимиз Ўлжас Сулаймоновнинг янги чиққан «Лой китоб»идан олиб қолиш эди. Ўлжас Сулаймонов у маҳалда машҳур, тилга тушган шоирлардан, айниқса, ёшларнинг суюкли ижодкорларидан ҳисобланарди. Кўргазмага қўйилган бор-йўғи саккиз дона китобдан биттаси менга тегди. Биз китоб олганлар энди шоирни кутдик. Дасхат олгимиз келди. Бир вақт узоқдан келаётган шоирни кўриб, гуввос унга интилдик. Ўраб олдик. Дасхат ёздирдик. Бу менинг Ўлжас Сулаймонов билан биринчи кўришувим эди.

СУРАТДА: *қозоқ шоирлари Ўлжас Сулаймонов, Шумишбой Сариев, ўзбек шоири Икром Отамурод. (1987 йил).*

Кейин... Осиё ва Африка ёзувчиларининг сўнгги тадбирида, мушоирада шеърларини эшитиб, тингловчиларнинг қай даражада ихлос билан қабул қилишларини кўрдим. Кейин... Ҳазрат Алишер Навоийнинг таваллуди муносабати билан кичикроқ мақола олиб келиш ниятида ўзим ишлаётган «Шарқ юлдузи» журналининг тавсияси билан 1981 йил Олмаотага бориб учрашдим. Мақола ёзилди. Журналда чиқди.

Кейин... «Жулдуз» журнали билан сон алмашиш ниятида 1987 йил Олмаотага бордим. Бу сафар бир ҳафта мўлжал қилиб бордим. Табиийки, «Шарқ юлдузи» журналида Ўлжас Сулаймонов билан суҳбат бериш назарда тутилган эди. Саволларни туздим. «Жулдуз» журнали шеърият бўлими мудири шоир Шумишбой Сариев билан бирга кирдик. У пайт Ўлжас Сулаймонов Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби эди. Яқинда туриб қилган биринчи гурунгимиз самимий бўлди. Ташқаридан қараганда, Ўлжас Сулаймонов гўё ўзини катта тутадиган, киборга ўхшаб кўринса-да, ёнига бориб суҳбатлашганда жудаям самимий, жудаям дилкаш, жудаям меҳрли, жудаям қадрдон. Сусти босиб аввалига ийманиб турдим. Гапимиз бир-бирига қовуша бошлагандан сўнг ўзимни эркин қўйдим. Мурожаат қилиш асносида сўрадим:

— Узр, Ўлжас Омарович десам, гап зайили узоқлашиб кетаётгандек туюляпти. Ўлжас оға десам, ўзимни жудаям яқин олаётгандек бўляпман. Нима деб мурожаат қилсам экан, — дедим.

Ўлжас Сулаймонов чеҳраси нурланиб:

— Энди мен сенинг оғангман. Сен менинг инимсан. Оға деб мурожаат қилавер, — деди. Худди шуни кутиб тургандек Шумишбой бирдан гапни илди-да: — Ўлжас оға битта суратга тушайлик, — деди.

— Чақир фотографни, — деб ўрнидан турди ва иккимизни икки ёнига олиб хонасида расмга тушди.

Саволларни кўрди.

— Миқти саволлар бўлибди. Жавоб бераман. Фақат сафаринг муҳлати оз экан. Муҳаррирингга ўзим қўнғироқ қилиб, айтиб қўяман. Ҳар куни кўришиб турамиз, — деди-да, Шумишбойга тайинлади: — Икромни зериктирма. Бу ердан яхши хотира ва таассуротлар билан қайтсин.

Суҳбат ёзилди. «Шарқ юлдузи» журналида «Заминнинг ҳар бурчи муқаддас менга» номи билан чиқди. Сарлавҳа Ўлжас оғанинг сатри.

Ўлжас оға нафаси баланд, миқёсли шоир, сўзининг жуғрофияси кенг инсон. Сўзига ҳақиқат куч беради. Қалбида ҳақиқат яшайди. Ўзи айтгандек, «ҳақиқат билан оғриган шоир». Мен билган Ўлжас оға шундай. Сўзи қаддидек тик, қадди сўзидек баланд. Оғанинг етмиш ёши муборак бўлсин.

Икром ОТАМУРОД

Ўлжас СУЛАЙМОНОВга

Олмаота кўчалари равон,
Қайрилмай, бурилмай тўғри кетади.
Тушган йўловчиси уринмай бир он
Борар манзилига осон етади.

Ибтидоси тоғдек эниб йўлларнинг
Интиҳоси чексиз даштга туташар.
Ибтидоси даштдан келиб йўлларнинг
Интиҳоси баланд тоғга туташар.

Олмаота кўчалари баҳаво, салқин.
Айланиб, ўргилиб шамол карвони.
Боради кўр тўкиб келбатли талқин —
Қозоқ даштларининг қадим армони.

Сезасан ўзингни эркин, қадрдон,
Бегоналик қўнмайди ҳисларингга
Кўрганларинг ўхшаб кетади чандон
Ўлжас Сулаймоннинг мисраларига.

Бағринг тус олади рангин адирдан,
Тоғлар виқори бор кечаларида.
Белоён кенгликни сезасан бирдан
Юриб Олмаота кўчаларида.

Олмаота кўчалари равон,
Қайрилмай, бурилмай тўғри кетади.
Тушган йўловчиси уринмай бир он
Борар манзилига осон етади.

ЯШИЛ ГИЁҲДАҒИ ҚИЗ

Zapomhiec –унутмоқ
Zabutiek- ёдгорлик

Майданакнинг бўм-бўш баракларидан моғорлаган зах ҳиди бурқийди. Томнинг остки зинасида пойабзаллар, кулранг соч толалари осилиб турибди.

Кичкина газ камераси (30-40 кв.м) Кунида 200 киши куйдирилган ўтхона. Ваҳшийлар.

Бугунги техника, рухсат бўлса, 3,5 млрд кулни газ хоналари ҳамда ўтхона билан биргаликда бир зумда ўзгартириш қудратига эга.

Мафтун этди одамни жаннат
Ва чўчитди бирдай жаҳаннам.
Аммо қани ақлу заковат,
Атом — одам ўзи топган ғам?!

Бизнинг дилхуш ва шавкатли асримизда фараҳли ўтмишни қайтаришнинг сира иложи йўқ. Магистрат арзандаларидан бўлмиш амалдор санъаткорлардан нолиб, афсус билан гапирди. Улар ҳанузгача Майданакда нобуд бўлган 2 млн. шаҳидга муносиб ёдгорлик яратмаган эмишлар. «Бухенвалъдда, Освенцимда ва бошқа жойларда аллақачон ёдгорликлар қўйилган дейишади. Бизда эса бу ҳали хаёлга ҳам келгани йўқ».

У сўзлади — «Кўнглини тўкиб».
Ёдгорликни яратиш қийин.
Қуйдириш,
отиш,
очликдан ўлдириш осон,
тасалли, ёдларни хотирда тараб
чуқур фикрли
композиция тузмоқдан кўра.
Шу боис, эҳтимол, ҳамма уста ҳам,
иштиёқ билдирмас бу ҳолга доим
Лекин қандай бўлмасин керак
қурбонларга ёдгорлик тиклаш.

I

Концлагерь —
бу нафақат,
мўрилардан кўкка ўрлаган
тутунларнинг яшил булути.
Бу — яп-яланг майдон.
Бу — майдонда кўкармаган ўт.
Қидириб топилган,
ейилган
чўвак илдизлар.
Заранг ўрмондан тирамоқ пайти
(сим панжаралар орқали)
баъзан-баъзан учиб кирган ялроқлар.
Уларни ейишди.
Маҳбуслар тоқати очликдан заҳил,
чўчқаёнғоқ, беда, мойчечак нажот.
Тағин анқир, минглаб мурдалар узра
мустаҳкам йиғилган пахмоқ ғарамлар —
ёвшан ва ёввойи саримсоқ пиёз,
ширали қариқиз ҳам серсув равоч,
семиз кактус билан қиёқнинг ҳиди.
Бу гербарий очликнинг нишони эди.
«Биздан кейин уч йил гиёҳ ўсмагай».
Освенцимда,
Майданакда эшитдим
бу сўзларни мен.

II

Ополе шаҳрига яқин,
оддий, номаълум концлагерда
очликдан ўлган
300 минг ҳарбий тутқиннинг жами.
... Сентябрь. Ором.
Ҳаво очиқ ва сокин эди.
Улкан мойчечакнинг туклари
норози шивирлар,
ҳайкалтарош дарди асабий учар
хушбўй ҳавога,
орқада бурар юзини,
сувдонига қайрилган тахлит.
Тагсинчда —
ғижимланган қуруқ суякнинг шакли.
Қайсидир бир мусобақада
бу ёдгорлик топилган ғолиб.
Мен маҳлиё бўлиб қарайман:
улуғ ҳайкал вазиятига,
у яратган қўрқинчли ҳолга,
кўкдан таъсир ёдгорликда тизилган ажиб,
қиёфа ўқийди катта ажи-бужи шаклни —
НОН!

III

Авваламбор айтилгандек, иссиқ ва
сокин эди,
Белгиларнинг гурросидан чарчаган кўзлар
Петитларга бўлганди ташна.
Қораярди
гиёҳ узра қўлларини ёзганича қиз.
Эринибгина босар эди
лабларини эгилиб ўтга,
қизариб ажраларди,
икки километр узоқдаги
заранг ўрмондан
шамоллар учириб келтирган
ялроқ мисоли:
ёнида ефрейтор узала тушиб,
лакланган камарин тортиб қўярди,
хурсанд —
гўё фойдаланмоқ учун топганди,
ялангоч майдонда ажойиб имкон —
симлар димиқтирган, дилтанг асира
суйган ғанимат ўтди —
пояси ингичка қамбар майсани.
Улар тақиқ этилган жойда
Ёнма-ён ётишар эди ағанаб:
«ЎТЛАРНИ ЮЛМАНГ!»
Тасодифми бу?
Эҳтимолки, оддий қўполлик.
Ўрганиб қолганмиз, эътибор бермай,
болаликдан кўравериб бу ёзувларни
истироҳат боғларию хиёбонларда.
Бу ерда-чи, ажойиб сўзлар,
топган айни таъсирчан ўрнин,
ишончли,
сезмаслик иложи йўқдир.
(Қачондир зўрланган ва мажбур қилинган
ҳар қандай разиллик фожеа тортади).
Инсонга ёдгорлик
(мантиқ шундай)
тош эмас, темир ҳам эмас —
қўкарган гиёҳ.
Ўсар ўғити кул бўзранг тупроқда,
Ополега яқин текис ўтлоқда.
Ва, бирдан, англадим жудолик ҳиссин —
Кўргим келди магистратдан чиққан даҳони,
Шон ҳақида ният қилмайин,
Концлагерь қурбонларин қалбларига
Буғдойсимон ўтлардан ёзувлар қоққан:
«ЎТЛАРНИ ЮЛМАНГ!»

IV

Бу майдонда зарурат йўқ санъаткорларга,
иқтидори фойдасиздир, улар касалманд.
Майдон — рамз озодликка интилганларга
ҳушёр тақиқ озори —
шеърдир бандма-банд.
Ҳар қандай ман олддан сезиш нурига тўла,
англашга кучсиздир улар йўлини хаёл.
Лек, назаримда, ихтиёрий ҳозир бўлар,
Тарих йўлларида, балки, қачондир бу ҳол.
Биринчи васиятни эслайман,
яна,
одамлар билмайди қочирикларни,
Токи кўрмагунча ўз кўзи билан
амалга ошган қонунни:
«ТАРИХГА КИРИШ МАН ЭТИЛГАН!»
Тақиқларга қарайман ташвиш-ла энди.
Уларни дид билан тайёрлаганлар
шаҳар кенгашидаги шоирлар:
«ШОВҚИН СОЛМАНГ!»
«ИФЛОС ҚИЛМАНГ!»
«ЧИҚАРМАНГ!»
«ТУПУРМАНГ!»
Битта казармада шундайин кўрдим:
«УРУШМАНГ!»
Фоҳишахонада бундай ёзилган:
«ЎПИШМАНГ!»
қанийди ман қилса гар магистрат:
ОЧЛИКНИ,
ЎЛИМНИ,
ХИЁНАТНИ,
ЗЎРЛАШНИ,
ХЎРЛАШНИ.
Санъаткорларга ёлғонлар тақиқ этилса,
мен бузардим йиғининг бор ҳайкалларини,

токи,
биздан сўнг ҳам ўтлар етилса,
безаб заминининг оч пайкалларини,
токи,
яшнаб бунда яшил гиёҳлар
нозланиб қуёшга тобласа қаддин.
Ўтларни янчиб ошиқлар,
ўтлар —
шаҳидлар эканин чиқармаса ёддин.
Мен —
ҳақиқат билан оғриган шоир,
улар — ўлдирилган,
кесатиқ-ёлғон.
Майдон — озодлик рамзи,
забардаст эркдир.
Тўқайлардан ўтиб турибмиз, яна
ялангоч — майдон.

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Темир ака РИЗАЕВ!

Баҳорнинг тароватли кунларида нишонланаётган таваллуд кунингиз — қутлуғ 60 ёшингиз билан қизғин муборакбод этамиз. Биз сизнинг сиймонгизда ўзбек зиёлиларига хос энг яхши фазилатлар мужассамлашганини кўриб қувонамиз ва эл орасида сиздай азиз ва мукаррам инсон бўлишга интиламиз.

Сизга икки дунё саодатини тилаб,

укаларингиз: Олим, Жўрақул, Бобомурод, Фарҳод.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти жамоаси Қашқадарё вилоят Ногиронлар жамияти раиси **Арслон Жабборовнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзингиз ёзиб ёқ! HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Ислом СУЛТОНОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 755
Т: 3204
1 2 3 4 5

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.